



ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАР АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Президент Шавкат Мирзиёев 23 март куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш, шаҳар ва ҳудудларда яшил донларни кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни юксалтириш, шунингдек, чўлланниҳа қарши курашишнинг илмий ва амалий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Аввало, “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида режалаштирилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Тошкент шаҳрида ҳавонинг ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрдан юқори бўлиши ҳолатлари кузатишмоқда. Бу Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Термиз шаҳарларида ҳам қайд этилмоқда. Ҳаво ифлосланишининг асосий омиллари сифатида саноатнинг ўсиши, углевод ёқилгиларидан кенг фойдаланиш, транспорт воситалари сонининг кўпайиши, табиий омиллар ва назоратнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар атмосферага чиқарилаётган ифлослангич моддалар ҳажминини қисқартириш, саноат объектларида ташламаларни ушлаб қолиш улушини ошириш, транспортдан чиқадиган зарарли моддаларни камайтириш ҳамда PM2,5 бўйича меъёрдан ошши кузатиладиган кунлар сонини пасайтириш асосий мақсадлар этиб белгиланган.

Амалга оширилган тезкор чоралар натижасида Тошкент шаҳрида ҳаво сифати муайян даражада яхшилانган. Жумладан, 2026 йил январь-февраль ойларида PM2,5 концентрацияси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли пасайган. Энди бу йўналишда ҳудудий дастурлар босқичма-босқич қабул қилиниб, ҳар бир вилоятда таҳлил ва диагностика, ягона ҳаво мониторингинг ҳамда ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ишлари ташкил этилади.

“Тоза ҳаво” лойиҳасида энергетика ва саноат тармоқларига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳсулотнинг маълум қисмини муқобил энергия ҳисобига ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ имтиёзлари ва моливий рағбатлар бериш, автоматик мониторинг станциялари, филтёрлар, чанг-газ тозалаш ҳамда энергия самарадор ускуналарни кенг жорий этиш кўзда

тутилган. Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги саноат корхоналарида мажбурий автоматик мониторинг постлари ўрнатилиб, уларнинг маълумотлари ягона геоахборот тизимига интеграция қилинади. Бундай талабларга амал қилмаган субъектлар учун компенсация тўловлари кескин оширилади.

Курилиш соҳасида ҳам экологик талаблар кучайтирилади. Янги қуриладиган йирик объектларни лойиҳалаштиришда кўкаламзорлаштириш даражасини ошириш, курилиш материалларини ёпиқ шароитда сақлаш, чиқиндиларни махсус қувур ва контейнерлар орқали тушириш, майдонларни ҳимоя тўсиқлари билан ўраш, онлайн кузатув камераларини ўрнатиш каби талаблар белгиланмоқда.

Шунингдек, “шамол йўлаклари”ни сақлаш, экологик экспертиза ҳулосасини қурилиш жараёнларида мажбурий ҳисобга олиш, шаҳарнинг экологик ва сув ресурсларини бошқариш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Табиий чанг омилларини камайтириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланган. Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш, Сурхондарё ва Сирдарёда чанг бўронларининг олдини олиш учун “яшил девор”лар ташкил қилиш, сунъий кўллар ҳамда сув ҳавзаларини барпо этиш, пойтахт туманларида фаввораларнинг сонини кўпайтириш, барглари компост ва мульча сифатида қайта ишлаш амалиётини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси ҳаво таркибига чанг зарраларини камайтириш ва шаҳар муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилади.

Транспорт соҳасида ҳавонинг муҳофаза қилиш бўйича алоҳида йўналишлар ҳам белгиланган. Мотор ёқилгиси стандартларини босқичма-босқич кучайтириш, авто-транспорт воситаларини “қизил”, “сарик” ва “яшил” стикерларни берган ҳолда экологик тоифаларга ажратиш, техник кўрикни экологик талаблар билан боғлаш, эски автотранспортни янгилаш дастурларини амалга ошириш, жамоат транспорти улушини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Бу орқали йўл ҳаракати билан боғлиқ ифлосланиш ҳажминини қисқартириш, айниқса,

йирик шаҳарлар марказида ҳаво сифатини яхшилаш мақсад қилинган.

“Тоза ҳаво” лойиҳасининг муҳим таркибий қисми сифатида иссиқхоналар масаласи ҳам муҳофаза қилинди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида иссиқхона хўжаликлари жуда кўп, улар орасида иситиш манбалари сифатида кўмир, мазут ва ностандарт ёқилгидан фойдаланувчи иссиқхоналар улуши ҳам юқори, улар чиқараётган NO2, SO2 ва PM2,5 каби хавфли моддалар ҳаво сифатига жиддий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Қолаверса, Тошкент ҳудудига йиллик қуёш нурларини қолган ҳудудларга қараганда нисбатан паст бўлгани сабабли бу ерда иссиқхонада маҳсулот етиштириш харажати анча баланд. Масалан, январь ойида Тошкентда ўртача ҳарорат Цельсий бўйича 6 даража иссиқ бўлса, Термизда — 10,8 даража иссиқ, 1 тонна иссиқхона маҳсулотини етиштириш харажати Тошкент вилоятида 11,9 миллион сўми, Сурхондарёда эса 4,9 миллион сўми ташкил этади.

Маҳсулотларни инсоляция даражаси юқори бўлган ҳудудларда етиштириш иссиқхона хўжалиқларининг моливий ҳолати учун ҳам, ички бозордаги нарх барқарорлиги нуқтани назардан ҳам манфаатли ҳисобланади.

Шу боис, Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги иссиқхоналарни энергия тежамкор ва табиий-иқлим шароити қўлай бўлган ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш тақлифи билдирилди. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида камиди 940 гектар майдонда агропарк ташкил этиш режалаштирилган. Бу ҳудудда қуёш нурларини юқори, қиш нисбатан камиди 940 гектар майдонда агропарк ташкил этиш режалаштирилган. Бу ҳудудда қуёш нурларини юқори, қиш нисбатан камиди 940 гектар майдонда агропарк ташкил этиш режалаштирилган.

2026 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда янги иссиқхона ташкил этишни чеклаш, шу билан бирга, кўчирилаётган хўжалиқларга инфратузилма, кредит ва логистика бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Тақдимотда “Яшил макон” доирасида ботаника ва дендрология боғлари концепцияси юзасидан ахборот берилди. Қайд

этилганидек, ботаника боғлари маҳаллий ва хорижий ўсимликларни ўрганиш, сақлаш, кўпайтириш ва намоиш этишга хизмат қилса, дендрология боғлари дароҳ ва бута турларини интродукция қилиш, акклиматизация қилиш ва илмий асосда парварилашга ихтисослашган ҳудудлар ҳисобланади. Концепцияга кўра, ботаника боғларида турли флористик экспозициялар, оранжерея, кўчатхона, кўл, ички йўлаклар, беседка ва гулхона каби объектлар жойлаштирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 3 та ботаника боғи мавжуд бўлса, лойиҳа доирасида яна 12 та ботаника ва 16 та дендрология боғини ташкил этиш режалаштирилган. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг туپроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, мос дароҳ ва буталар танланади.

2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш режа қилинган. Натижада 2030 йилгача мамлакатда умумий яшиллик даражасини 14,2 фоиздан 30 фоизгача ошириш, PM2,5 ва PM10 концентрациясини 20-25 фоизга камайтириш, иқлимни оғир ҳудудларда ҳаво ҳароратини ўртача 1,5-2 даражага пасайтириш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, пойтахтда Миллий дендрология боғини барпо этиш концепцияси ҳам тақдимот қилинди. Ушбу йирик яшил ҳудуднинг умумий майдони 108 гектарни ташкил этиши белгиланган. Лойиҳа доирасида 50 минг туپ дароҳ кўчати ва 100 минг туپ бута ўсимликлари экилиши назарда тутилган. Парк биотики хилма-хилликни сақлаш, ҳаво сифатини яхшилаш, углевод ютилишини ошириш, илмий-тадқиқот ва селекция ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, шаҳар микроклимининг соғломлаштиришга хизмат қилади. Боғ ҳаво ҳароратини 2-4 даражага пасайтириб, намликни 10-15 фоизга ошириши мумкин.

Миллий дендрология боғи фақат кўкаламзор ҳудуд эмас, балки илмий, маърифий ва жамоат макони сифатида ҳам шакллантирилади. Унда “Дунё дароҳлари” ҳудуди, 6 та иқлим минтақасига

хос ўсимликлар коллекцияси, мевали ва маҳаллий дароҳзорлар, доривор ўсимликлар боғи, оранжерея, гулзорлар, дам олиш майдонлари, пиёдалар ва велосипед йўлаклар, автотурагоҳ, ташриф буюрувчиларни кўтиб олиш майдони барпо этилади.

Боғнинг марказий қисмида 1 гектарлик сунъий кўл ва унинг атрофида сакура боғи ташкил қилиш режалаштирилган. Парк инфратузилмасида қуёш панеллари, қайта ишланган материаллардан тайёрланган скамейка ва беседкалар, автоматлаштирилган томчилатиб сугоритиш тизими каби замонавий экологик технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу ер Марказий Оснэ атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши университети (“Green University”) учун табиий лаборатория, аҳоли учун эса биотуризм ва экотэалям марказига айланади.

“Экомданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни бир-бирига боғлаган ҳолда янги тизим яратиш режалаштирилган.

Мазкур соҳада халқаро стандартларга мос мутахассислар етиштирилган, аҳоли ўртасида экологик онг ва барқарор одатлар ҳали етарли даражада шаклланмагани, инновация ва иқлим технологияларини амалиётга жорий қила оладиган кадрлар тақчиллиги мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 14 та ҳудудда “яшил техникумлар” ташкил этилиб, улар “Green University” тизимига академик ҳамкорлик асосида бириктирилади.

Лойиҳага кўра, тайёрланган ўқувчи ва талабалар сони йил сайин оширилиб, 2028-2029 ўқув йилига бориб, 10 минг нафарга етказилади. Бакалаврият ва магистратурада атроф-муҳит ва барқарор бошқариш, яшил иқтисодиёт, атроф-муҳит муҳандислиги, иқлим ўзгариши, чўлланниҳа қарши курашиш, барқарор шаҳар-созлик, барқарор энергия алмашинуви каби янги йўналишлар очилади. Таълим жараёнида дуал тизим жорий қилиниб, назарий билим билан амалиёт уйғунлаштирилади. Университет таълим тизимини ривожлантириш, илмий-инновацион лойиҳалар ва тарғибот ишлари учун катта миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Аҳоли орасида экологик маданиятни ошириш учун “10 минг қадам пиёда” ташаббусини тиклаш, “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишга тушириш, шунингдек, Самарқанд шаҳрида GEF-8 ассамблеяси ва “Есо Ехро Central Asia 2026” халқаро кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган.

Тақдимотда чўлланниҳа қарши кураш стратегияси лойиҳаси ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизи арид зонадан иборат бўлиб, ерларнинг 70 фоиздан ортиғи деградацияга учраган. Ер ресурсларининг ёмонлашуви иқтисодиётга ҳар йили 830 миллион доллар зарар келтирмоқда. Орол денгизининг куриши натижасида 3 миллион гектар майдон яроқсиз ҳолга келган ва ҳудуднинг 56 фоизи шамол эрозияси таъсири остида қолган.

Шу муносабат билан “Green University” ҳузурида минтақавий кўшма илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу марказ чўлланниҳа бошқариш бўйича Марказий Оснэдаги биринчи илмий хабга айланиш кўзда тутилмоқда. Марказ таркибига 15 та иқтисослашган лаборатория фаолият юритади, спутник маълумотлари, GIS ва масофадан зондлаш технологиялари асосида ерлар ҳолатини рақамли мониторинг қилиш йўлга қўйилади, қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар бўйича генетик банк шакллантирилади, туپроқнинг қимёвий ва физик таҳлил тизими такомиллаштирилади.

Бунинг натижасида чўлланниҳа прогноз қилиш ва хариталаш миллий тизими яратилади, Оролбўйи ва қурғоқ ҳудудларда яшил қоплама кенгайтирилади, яйловлардан барқарор фойдаланиш ҳамда чўл иқтисодиёти моделлари жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шаҳар ва қишлоқ муҳитини янада қўлайлаштириш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фан ҳамда замонавий технологияларни кенг жорий этишдаги муҳим аҳамиятини қайд этиб, уларни маъқуллади.



ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ ТАРИХИЙ МЕРОС ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

Имом Бухорий мажмуасидаги янгиланишларни оддий қурилиш ёки ободонлаштириш сифатида талқин қилиш хато бўлади. Бу — давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўзгаргани, тарихий меросга муносабат янги босқичга кўтарилганининг амалий ифодаси.

билан боғлиқ экани ҳам муҳим. Чунки бундай лойиҳаларда шахсий сиёсий эътибор ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Энг катта ўзгаришлардан бири эиёрат туризмни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш драйверига айлантиришдир. Илгари эиёратчилар келиб-кетидаган жой энди уларни қабул қилиш, жойлаштириш, хизмат кўрсатиш ва улар орқали иқтисодий фаоллик яратиш марказига айланмоқда. Бу эса маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари, тадбиркорлик имкониятлари ва хизматлар бозорининг кенгайишини аниқлатади. Демак, маънавий мерос иқтисодий ресурстга айланмоқда.

► Давоми 2-бетда

Аввалги ҳолатга назар ташласак, мазкур қадамжо кўпроқ рамзий аҳамият касб этар, эиёратчилар оқими эса унинг ҳақиқий салоҳиятига нисбатан чекланган эди. Бу ердаги асосий муаммо инфратузилма заифлиги, тизимли ёндашув йўқлиги ва эиёратчиликнинг халқаро даражада тарғиб этилмагани билан боғлиқ. Яъни маънавий бойлик бор, лекин уни дунёга намоеён қилиш механизми етарли эмасди.

Янги босқичда эса ёндашув тубдан ўзгарди. Энди бу жой фақат эиёратчи эмас, балки комплекс тизим сифатида шакллантирилади. Бу ўзгаришлар ниманинг ҳисобидан амалга оширилди деган саволга жавоб аниқ: давлат раҳбари даражасида аниқ стратегия белгилаб олинди ва уни амалга ошириш учун ресурслар, ташкилотчилик ва сиёсий ирода сафарбар этилди. Бу жараён бевоқифа Президентимиз ташаббуси

ЙЎЛЛАР, ДИЛЛАР, ОРЗУ ВА УМИДЛАР БИРЛАШГАН МАСКАН

Президентимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида халқимизга мурожаат қилиб: “Азалий анъаналаримизни давом эттириб, кўчат экиб, боғ яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик! Яхши кўшничлик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканимизни дунёга намоеён этайлик! Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!” деди.

Бу қақирқ ҳар бир юртдошимиз каби бизнинг ҳам қалбимиздан чуқур жой олди. Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб яшаш иштиёқи янада жўш урди. Ана шу туйғунини амалий ҳаракатга айлантиришда маҳалла фаолларининг муҳим ўрни бор. 2026 йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилиниши бежиз эмас. Маҳалланинг ривож


ва жамият юксалиши бир-бирига жуда мос тушган. Чунки бу иккисини бир-биридан айро тасаввур қилиш қийин. Айнан шу мослик аниқ стратегик мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли.

Халқимиз доим маҳаллада бир оила фарзандлари каби аҳил-иноқ яшаган. Маҳалла кишини жамият билан уйғун яшашга ўргатадиган, ёшларини эзгу

урф-одатлар ва қадриятлар руҳида тарбиялайдиган маскан. Унда барча иш жамият билан бамаसाҳат амалга оширилади. Ҳатто одамлар маҳалладан уялиб, ноқуё иш қилишдан ўзини тияди. Негаки, одо-ахлоқ доирасидан чиққанларга “маҳалладан уялмайсанми”, деб танбёҳ берилади.

Президентимиз табриғида маҳалла деганда, кўз олдимизда аввало она юртимизнинг гўзал тинимли намоеён бўлиши таъкидланди. Шунингдек, ишларда оила ва жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтириш учун кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, “маҳалла еттичилиги”, фаол фуқароларимиз яқиндан иштирок этишига ишонч билдирилди.

► Давоми 3-бетда



Тараққиёт одимлари

Муносабат



Қобилжон ГУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор: мазмун. Яъни зиёратгоҳ фақат ташқи кўриниш ёки қўлайликлар билан чекланиб қолмайпти. Бу ерда Имом Бухорий меросини замонавий форматда тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илгари бу

ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ ТАРИХИЙ МЕРОС ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

каби билимлар асосан китоб ва анъанавий дарслар орқали етказилган бўлса, энди инновацион усуллар, визуал ва интерактив ёндашувлар орқали кенг оммага тақдим этилмоқда. Бу, айниқса, ёшлар учун муҳим. Чунки улар ахборотни бошқача қабул қилади.



Ҳозирги глобал шароитда — турли радиокал ғоялар тарқалаётган бир пайтда асл манбаларга асосланган, илмий ва мўтадил исломни тарғиб қилиш давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлиги учун ҳам муҳим омилга айланади.

Келажакда нималар кутиляпти? Агар мазкур йўналиш изчил давом эттирилса, бу маскан нафақат зиёрат маркази, балки халқаро илмий ва маърифий платформага айланиши мумкин. Бу ерда конференциялар, тадқиқотлар, диний мулоқотлар ўтказилиши орқали Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказларидан бири сифатида янада мустақкам ўрин эгаллайди.

Бугунги ўзгаришлар фақат бир ҳудуд тақдир билан чекланмайди. Улар орқали янги Ўзбекистон ғояси, яъни тарихий меросга таянган ҳолда замонавий, очиқ ва рақобатбардosh жамият қуриш концепцияси амалда намоён бўлмоқда. Бу эса нафақат бугун, балки келажак авлодлар учун ҳам мустақкам маънавий ва иқтисодий пойдевор яратишни аниқлатади.



РАМАЗОН ҲАЙИТИ ВА НАВРЎ БАЙРАМИ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ



Комилжон ШЕРМУҲАММЕДОВ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрини улуглаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тамойиллар, айниқса, бу йилги Рамазон ойида ёрқин намоён бўлди, саховат ва ҳамжиҳатлик қадриятлари амалий ишлар билан янада мустақкамланди.

аждоқларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган беаҳдо хиссасини намоён этадиган илмий-маърифий маскан сифатида Уччинчи Ренессанс учун мустақкам пойдевор вазифасини ўтади.

Рамазон ойна муносабати билан ўтказилган ифторлик маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, турли миллат ва диний конфессиялар, дипломатик корпуслар, халқаро ташкилотлар ходимлари ҳам иштирок этгани юртимизда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик анъаналарини нақадар устувор эканини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги ғоят таҳликали даврда тинчлик нақадар улуг ва беаҳдо неъматлигига алоҳида эътибор қаратади, 38 миллиондан зиёд юрдошларимиз ягона халқ, аҳил оила бўлиб яшаётгани энг катта бойлигимиз эканини, буни барчамиз янада чуқур ҳис этишимиз зарурлигини таъкидлади.

Чунки бугун дунёнинг турли нуқтасида нотинчлик ва қуролли низолар давом этётган бир пайтда Ўзбекистонда ўтказилаётган бу каби хайрли тадбирлар тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро аҳилликнинг нақадар беаҳдо неъмат эканини яна бир бор намоён этмоқда.

Осойишта ва фаровон кунлар учун Яратганга ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Зеро, фақат мана шундай осудалик, барқарорлик ҳукмрон жойдагина бунёдкорлик ишлари, илм-фан, тараққиёт равнақ топади.

Ифторлик маросимида давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг тақдирини БМТ қароргоҳида ўтказиш ташаббусини яна бир бор таъкидлади.

Бу илмий марказлар шунчаки муҳташам бинолар эмас, балки ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, берунийлар, улугбеклар, фарғонийлар, бухорийлар, термизийлар, мотуридийлар етишиб чиқиши учун мустақкам маънавий майдон бўлиши керак.

Рамазон ойна муносабати билан қилинган хайрли ишлар, маърифий-маданий тадбирларда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Унда мотуридийлик таълимоти намояндаларининг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш билан бир қаторда, халқимизга маънавий озуклаштириш, айниқса, Рамазон ойида инсонларни эзгулик ва яхшиликка қорлайдиган турли тарғибот материалларини намоёни этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, муборак Рамазон ойна давомида давлат ва нодавлат телеканалларда “Маърифат манзиллари” туркуми доирасида юртимизда диний-маърифий соҳадаги ислохотлар, хусусан, илмий-маърифий марказлар, таълим муассасалари, зиёратгоҳлар, муқаддас қадимжолар, қайта таъмирланган мажмуалар фаолиятига бағишланган 18 та қисқа, халқчил, маърифий кўрсатув, калом илмининг султони Имом Мотуридийнинг бағрикенглик, мўтадиллик ва маърифатга қорловчи ҳикматларини еритишга бағишланган 30 та ролик, аллома каламига мансуб “Таъвилот ал-Куръон” асаридagi бугунги кун учун долзарб мавзулар шарҳига бағишланган 20 та кўрсатув эфирга узатилди.

Рамазон ойна инсонларни эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка қорлайдиган, жамиятда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустақкамлайдиган муборак ойдир. Бу ойдаги хайр-саховат, эҳтиёмандларга кўрсатилган ғамхўрлик ва маънавий-маърифий тадбирлар халқимизнинг юксак инсоний қадриятларга содиқ эканини яна бир бор намоён этди.

ВАТАН УЧУН ФИДОЙИЛИККА ДАЪВАТ



Назира МАТЌУБОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Шу кунларда юртимизда ҳукм сураётган байрам шукуҳи, Наврўз ва Рамазон қадриятларини ўзида мужассам этган эзгу ишлар самараси халқимизнинг кўтаринки кайфияти, ҳаётидан розилик ҳисси, шукроналигида намоён бўлмоқда. Бунга гувоҳ бўлаётган ҳар биримизнинг қалбимиз чексиз фахрий-ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошиши табиий.

“Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашдир!” ғояси халқимизнинг меҳр-муруват, бағрикенглик, бунёдкорлик салоҳиятини нафақат юртимизнинг шаҳару қишлоқлари, маҳаллалару овуллари бўйлаб намоён этиш, балки янада юксакка кўтаришга хизмат қилди, десак муболага бўлмайди. Бу мамлакатимизда юртилаётган ижтимоий снэсатнинг изчиллиги, манзиллиги ва табиийки, натижадорлигини амалда яққол намоён этган, жамиятда меҳр-оқибат,

Дилдаги гаплар

саховат ва ўзаро қўллаб-қувватлов муҳитини янада кучайтирган давр сифатида муҳридан.

Президентимиз иштирокида “Янги Ўзбекистон” боғида ўтган тантанали маросимда ҳам инсон қадри, тинчлик, бирдамлик каби эзгу ғоялар нафаси уфуриб турди. Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ давлат снэсатининг муҳим йўналиши бўлган яхши қўшничлик, миллатлараро тотувлик ва бошқа қатор эзгу қадриятлар намоёниши қалбимизни ларзага солди, албатта.

Давлатимиз раҳбари нуқтаида яна бир ғояни илгари сурди: “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!”. Бу барчамизни шу муқаддас она юртимиз тараққиёти учун фидойиликка қорловчи даъват сифатида янгради. Аслида, жуда машаққатли, аммо аллақачон пойдевори қўйилган буюқ мақсаддир бу.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг ягона Ватанда ягона халқ бўлиб, аҳил-тотув яшаётганининг ўзи бу мақсадни рўёбга чиқаришнинг асосий омилдир.

Бугун бутун халқимиз янги ҳаёт нашидасини сурмоқда деб бемалол айта оламиз.

Барча ҳудудларимизга, қишлоқ ва овуллари, маҳаллаларимизга янги Ўзбекистон қиёфасини, янгилинилар нафасини олиб кириш бўйича бошланган сазй-ҳаракатлар эса унинг мазмун-моҳияти ва суруриини янада оширади.

Дарҳақиқат, янги иш ўринлари очиб, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида улкан қадмалар қўйилмоқда. Янгидан янги замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объектлари барпо этилмоқда. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, “Мен ҳам кўчат экман” акциялари, умумхалқ ҳашарлари фаол ўтказилмоқда.

Янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратиш каби буюқ мақсадни амалга оширишда юртимиз ёшлари асосий таянч

бўлиши муқаррар. Янги Ўзбекистон мамлакатимиз ёшлари учун юксак парвозлар, катта-катта ғалабалар майдонида айланиб бораётгани ҳам айна ҳақиқат. Президентимиз ёшларга муружаат қилиб, “Бугун Уччинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишдек улкан бахт ва юксак шараф сизларга насиб этмоқда. Қанча-қанча аждоқларимиз интилиб яшаган шу буюқ орзун рўёбга чиқаришга сизлар албатта қодирсиз”, дея ишонч билдиргани бежиз эмас.

Тинч, осуда юртга байрамлар ярашади. Турмушдан мамнун, қалбига ҳаловат инган, эртанги кунга умид ва ишонч билан инсонларга байрам ҳам, хурсандчилик ҳам татийди. Ахир сайёрамизнинг қайсиқир нуқтасида уруш вайронагарчиликларини нотинчликдан азият чекиб, осойишталикни орзу қилиб яшаётганлар қанча?!

Шу жиҳатдан ҳам бу йилги Наврўз ўзининг байрамона шукуҳи, қадрият ва анъаналари, ҳикмати, фалсафаси, мазмун-моҳияти билан нафақат халқимиз, балки дунё эътирофига мушарраф бўлди.



ҲАР БИР ЛОЙИҲА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҚКАМ ПОЙДЕВОР

Улкан sanoat иншоотлари тасодифан пайдо бўлмайди. Улар илм, тафаккур ва инсон меҳнатининг уйғунлигидан вужудга келади. 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам айнан шундай замонавий билим, илгор технология ва минглаб инсонларнинг сидқидилдан қилган меҳнати самараси. Унинг барпо этилиши ортида йиллар давомида тўпланган тажриба, изланиш ва ишонч мужассам.

Жорий йилнинг 16 марти шахримиз ҳаётида унутилмас сана сифатида муҳрланди. Шу кунни давлатимиз раҳбари иштирокида мамлакатимиз саноятини янги технологик босқичга олиб чиқувчи 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бу бир корхонанинг очилиши эмас, балки бутун тармоқ тараққиётида янги давр бошланганини аниқлатади.

Ушбу тарихий тадбирда иштирок этиш, айниқса, давлатимиз раҳбари олдида фикр билдириш имконига эга бўлиш мен учун катта шараф. Бу ҳолатни оддий воқеа сифатида қабул қилиш қийин. Чунки ҳар бир

инсон қалбида яширин орзулар бўлади. Менинг орзуларимдан бири ҳам ана шундай учрашув эди. Бугун эса комбинатнинг оддий ишчиси сифатида шу орзун рўёбга чиққанини чуқур ҳис этдим.

Мен бир неча йилдан буён мис бойитиш фабрикасида флотатор бўлиб ишлаб келмоқдаман. Бу вақт давомида ўзгаришларнинг ўз кўзим билан кўрдим. Бугун комбинатимиз энг илгор технологиялар билан жиҳозланган, рақамли бошқарув тизимлари жорий этилган, иш самарадорлиги ва аниқлик янги босқичга кўтарилган.



Озода ЮНУСОВА, 3-мис бойитиш фабрикаси мутахассиси

Айниқса, халқаро ҳамкорликлар бу тараққиётнинг муҳим омилга айланган. Комбинатимиз бугунги кунда Буюқ Британия, Германия, Япония, Хитой каби ривожланган

давлатлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу эса иш жараёнига янги стандартлар, янги талаблар ва янги имкониятларни олиб кирмоқда. Бундай муҳитда ишлаш ҳар бир мутахассисдан юқори билим, касбий маҳорат ва доимий изланиш талаб қилади.

Бугунги ёш мутахассис учун фақат касбга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Чет тилларни билиш, замонавий технологияларни аниқлаш, тез ўзгарадучан шароитга мослаша олиш — буларнинг барчаси муваффақият гарови. Мен ҳам шу талабларни ҳис этган ҳолда ўз устимда ишлашга, билимимни оширишга ҳаракат қиламан. Чунки бугунги саноят кечадиган фарқ қилади — у тўхтамайди, доим олдинга интилади.

Мен ўзимни бир жамоанинг аъзосигина эмас, балки йирик саноят тизимининг бир бўлаги сифатида ҳис қиламан. Бу ҳиссёт инсонга куч беради, уни янада масъулиятли ва интилишга ундайди. Чунки бундай корхонада фаолият юритиш фақат иш эмас, балки ишонччи оқлаш демақдир.

Мажмуада яратилган шароитлар, берилган имкониятлар ҳар бир ёшга ўз салоҳиятини намоён этиш учун замин ярашади. Инсон имкониятини ҳис этган жойда интилиш кучаяди, интилиш бор жойда эса натижа пайдо бўлади. Шу маънода, бугунги кунда барпо этилаётган ҳар бир лойиҳа ёшларнинг келажига қаратилган мустақкам пойдевордир.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news



Тараққиёт одимлари

Йўллар, диллар, орзу ва умидлар бирлашган маскан



Мусо АНОРБОЕВ, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ҳа, жамиятдаги бирдамлик, аҳиллик маҳалладан бошланади. Бунинг учун мамлакатимизда маҳалла тизими ходимлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Буни бунёдкорлик, яратувчанлик ишларида ҳам кўриш мумкин. Улар рақамларни кўпайтириш учун эмас, одамларни рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Буни мамлака-

тимизнинг барча ҳудудларидаги каби Жиззах вилояти маҳаллалари ҳаётидаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин.

Вилоятимизда 304 та маҳалла бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар сабаб маҳаллаларнинг барчаси обод, фаровон бўлиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда, одамларнинг турмушида акс этаётди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” давлат дастури асосида қайта қуришдан бошланган янгила-нишлари ҳар бир хонадон, ҳар бир юрtdо-шимиз ҳаётида аниқ кўриш мумкин. Бу янги Ўзбекистондаги “Одамларимиз ислохотлар самарасини узоқ келажақда эмас, бутун ўз ҳаётлари мисолида ҳис қилишлари, сези-шлари керак”, деган халқчил сиёсатнинг на-тижасидир. Шубҳасиз, бу ўзгаришлар одам-ларнинг руҳиятини ўзгартирди, қалбларида ҳаётга ҳавас уйғотди, дунёга ўзгача нигоҳ билан қарашга ундаб, тасаввурларини кенгай-тирди. Муҳими, маҳаллани энг қўлай яшаш манзилга айлантиришдаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Уй-жойлар қуриш, эскиларни реконструкция қилиш кескин кўпайди. Ҳозир қишлоқ аҳолиси 10-15 йил аввалгидек, оддий хом гўштдан эмас, замонавий қурилиш ашёлари-дан фойдаланиб, лойиҳа асосида, ҳар томон-лама қўлай уйлар қуриятди. Айниқса, “Очқ-бюджет” орқали йўллар, кўчалар асфальт-ла-ниши, спорт ижтимоий иншоотлар қурили-ши, таъмирланиши қишлоқларнинг қиёфаси-ни тубдан ўзгартирди юборди.

Маҳаллаларнинг ташқи қиёфасида яққол кўриниб турган бу ўзгаришлар, ободлик манбаи, аввало, элимизнинг тўқлиги, турму-шининг фаровонлигидир. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Булар маҳалладаги

“еттилик”нинг ўзига берилди. Натижада иш-сизлик қисқариб, кўплаб аҳоли камбағаллик-дан чиқди. Мисол учун, вилоят бўйича 2025 йил бошида ишсиз фуқаролар сони 58 минг 991 нафар эди. Йил якунига қадар уларнинг аксарияти иш билан таъминланиб, ишсизлик даражаси 4,7 фоизга туширилди. Натижада 60 дан зиёд маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

“Маҳалла еттилиги” аҳоли бандлигини таъминлашда давлат органлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Биргина ўтган йил январь-октябрь ойларида “индивидуал режалар” доирасида 19 минг 972 оила даромадини оширишга қаратилган 33 минг 854 та хизматлар кўрсатилди. Маҳаллалардаги иш-сиз фуқаролардан 15 минг 996 нафари ишга жойлаштирилди. Қолаверса, 12 минг 472 фуқаро тадбиркорликка жалб этилиб, яна 4143 нафарига кредит ва субсидия маблағла-ри ажратилди. Бундан ташқари, 1243 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. Амалга оширилган ишлар натижасида вилоятда умумий кам-бағаллик даражаси 3,7 фоизга тушди. Жиззах шаҳри ва Галлаорол туманини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одамларнинг даромади бўлиши, тўқ яша-ши жамият оёйишталарининг асосий қафо-лати. Кўплаб кўнгилсизликларнинг, ҳаётдан ҳафалиқнинг сабаби ҳам камбағаллик ҳисоб-ланади. Рўзғори бут, оиласи тинч одам яш-шликка интилади. Шу маънода, маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш бир-бирига боғлиқ юмуш. Қувонарлиси, мам-лакатимиздаги ислохотлар ана шундай ҳаётий қонуниятга уйғун тарзда кечмоқда. Аҳоли фаровонлигини оширишга биринчи навбатдаги



вазифа сифатида қаралмоқда. Қувонарлиси, жорий йилда илк бор маҳалла инфратузилма-сини ривожлантириш учун 20 триллион сўми вилоятларнинг ўзига берилмоқда бўлди. Бу ҳам юқорида айтганимиз маҳаллага берил-ётган эътиборнинг исботи. Мурожаатномада таъкидланганидай, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолининг учун қўйилган қиймат яра-тини зарур. Шу боис, бу пуллар маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромади қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилди. Президентимиз 2025 йил сўнгида вилоят-тимизга қилган ташрифи чоғида айнан шу йўналишни 2026 йил учун асосий вазифа сифатида белгилаб берган эди. Унга кўра, жорий йилда 4,5 миллиард доллар хоржий инвестицияларни жалб қилиш, экспортни 500 миллион долларга етказиш, 90 минг аҳоли

бандлигини таъминлаш, 5,2 минг оиланинг 22,6 минг аъзосини камбағалликдан чиқариш зарур. Шунингдек, Зафаробод ва Галлаорол туманлари ҳамда 24 та маҳалла “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги ҳудудларга айлантири-лиши белгиланди, бунинг учун 250 миллиард сўм ажратилган.

Булар қуруқ режалар эмас, албатта. Бу вазифаларнинг аниқ ижроси ҳукуматимиз кўмаги ва кўллаб-қувватловида амалга оши-рилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2025 йил 10 декабрда қабул қилинган “Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қа-рорига кўра, тумандаги Янгибод маҳалласи ҳудудда 4 та етти қаватли 168 хонадонли

турар жой қуриш таклифи маъқулланди. Аҳа-миятисиз, бу биноларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади.

Маҳалла билан боғлиқ миллий қадрият-ларимиз орасида тарбиявий масала алоҳи-да ўрин тутди. “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Маҳалла ота-онанг” каби халқ ҳикматлари ҳам шундан келиб чиқиб айтил-ган. “Маҳалла еттилиги”, эл ишонч билдириб сайлаган маҳалла раислари, кенгаш аъзолари, фаоллари аҳоли турмуш маданиятини оши-ришда жонбозлик кўрсатмоқда. Аҳоли ўрта-сида табиий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли мада-ний-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказил-моқда.

Ўтган йили нотинч, ажрим ёқасидаги оилаларнинг мавжуд муаммоларини барта-раф этиш бўйича жамоатчилик кенгашла-рига 608 нафар имом-хатиб ва отинийлар жалб қилинди. Ажрим ёқасидаги 2120 оила билан олиб борилган манзилли ишлар нати-жасида 1783 оила яраштирилди. Муқаддам судланган ва маъмурий назоратда турган шахсларнинг 257 нафари бандлиги таъмин-ланди, 208 нафарининг ижтимоий муаммо-си хал этилди.

Шунингдек, криминоген вазияти оғир бўл-ган маҳаллалардаги 214 та ички йўлга, 196 та йўлак, 247 та кўчага тунги ёритиш чироқлари, кириш-чиқиш жойларига юзни ва автоқам-ларни таниб олувчи 300 та камера ҳамда кўп қаватли уйларнинг эшикларига 500 та замона-вий домофон комплекслари ўрнатилди. Олиб борилган ишлар натижасида 160 та маҳалла жиноятчиликдан, яна 10 таси ажримдан холи ҳудудга айланди.

Бутунги кунда маҳаллаларда ёш авлод тарбиясига, уларни миллий гуруҳ ва ифтихор туйғулари асосида тарбиялашга катта эъти-бор қаратилган самара бераётди. Маҳал-лаларда ёшларни тўғри тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун етарли шароит яратилган. Барча туманларда “Ёшлар маркази” барпо этилди. Уларда маънави-ят-маърифат хонаси, турли тўғараклар, биз-нес ўқув-консалтинг марказлари, спорт сек-циялари, ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатаётди. Хусусан, халқимизга хос бўлган умминсоний қадриятларни, юксак ватанпар-варлик ҳиссини ёшлар оғини синдиришда “Қадриятлар бешигисин, аниқ маҳалла” ши-ори остида ҳар йили анъанавий тарзда ўткази-ладиган “Маҳаллам тарихини ўрганаман” каби кўрик-танловларнинг, умумхалқ ҳашар-лари, бошқа маърифий тадбирларнинг ўрни катта.

Миллий қадриятларимизни ёшлар қалбига янада чуқурроқ синдиришда маҳалла тари-хини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда яна бир хайрли ишни амалга оши-риб, вилоятдаги маҳаллалар қомусини ярат-тишимиз. Ушбу мажмууга вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ташкил топиши, майдони, тарихи, номлининг топонимик асослари, инфратузилма ҳолати ҳақида қисқа-ча маълумотлар киритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили доирасида белгиланган вазифалар-ни сикдидилдан бажаришга киришимиз. Шу орқали давлатимиз раҳбари билан бир сафда туриб, маҳаллар ҳар томонлама тараққий этиши, аҳоли фаровонлиги ошишига ўз ҳис-самизни қўйишни мақсад қилганимиз. Зеро, янги Ўзбекистоннинг мустақам пойдевори маҳаллада яратилади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА МАҲАЛЛА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИ



Жамият — ислохотлар ташаббускори

давлат миқёсида эътибор қаратилди. Бу сазй-ҳаракат бутун натижасини бермоқда.

Қонунийликмига кўра, маҳалла фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органидир. Ле-кин у ўзининг одамларни ягона мақсад, яқин кўшничлик, меҳр-оқибат ҳамда миллий қад-риятлар асосида бирлаштириш каби тарихий миссияси туфайли давлат бошқаруви самара-дорлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, ёшларни ватанларар ўрсонлар этиб тарбия-лаш ёки жамоатчилик назоратини амалга оши-риш сингари муҳим функциялари маҳалланинг давлат бошқарувида салмоқли таъсир ва мавқе-га эга эканини кўрсатади.

Давлат сиёсати таъсири дастлаб инсонлар онги ва ҳуқ-атворида, сўнг маҳаллада на-моён бўлади. Бунинг маъноси шуки, сўнгги ўн йилдаги ислохотлар самарасини ҳар бир инсон, ҳар бир хонадон ва маҳалла кундалик ҳаётда ҳис қилмоқда. Президентимиз Мурожаатно-мада қайд этганидек: “Бу ишларни бошлага-нимизда аҳолининг учдан бир қисми кам-бағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилгани билан маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 қарра қисқарди. Натижада уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 қарра қисқартириб бўйича олган мар-рамизини шу йилнинг ўзида удрдалдик”.

Мана, маҳалланинг давлат бошқарувидаги таъсири, самараси ва амалда нималарга қо-дирлиги исботи. Бу реал натижа, амалий факт, аҳоли муаммолари ҳал этилишининг асосидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда маҳал-ла барчамиз учун ҳам ота, ҳам она. Шу боис, маҳалла ҳуқуқий жиҳатдан фуқароларнинг Кон-ституция ва қонулар билан қопланган маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий ҳу-суфатларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал этадиган мустақил тузилма.



Президентимиз Мурожаатно-мада ватан манфаати — халқимиз манфаатидир деган улғуғияни илгари сурди. Бу олий мақсадни амалга оширишда маҳалла тизими-нинг ўрни ва таъсири беқис-лиги ҳамда маҳалла ривожлан-ган, бутун мамлакатимиз юксалиши-ни яна бир бор эътироф этиди. Шу нуқтаи назардан, 2026 йил мам-лакатимизда Маҳаллани ривож-лантириш ва жамиятни юксалти-риш йили деб эълон қилинди. Билдирилган фикр ва ташаббус давлат бошқарувида стратегия аҳамиятга эга муҳим трансформациялашув жараёнидир. Чунки бундай трансформациялашув туфайли давлат бошқарувининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-маъри-фий устувор йўналишлари янада ислоҳ этилиб, юксалишига бевосита замин яратилади.

Мамлакатимиз етакчиси Мурожаатномада давлат бошқа-руви ва маҳалла трансформация-лашувининг ўзаро уйғунлиги борасидаги фикрларини давом эттириб, “Чоп ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлини-кадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Шу боис, маҳалла тизими ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”, деди.

Шу ўринда маҳалла тизimini трансформациялаш натижасида давлат бошқаруви орқали ободлиги ва фаровонлигини таъминлашга эри-шилишини назардан четда қолдирмаслик керак.

Сўзимизни асослаш учун яна Мурожаатно-мадаги давлат бошқаруви ва маҳалла трансформациялашувининг ўзаро уйғунлиги борасидаги қуйидаги фикрга асосланамиз: “Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллиард сўмдан берилмиш. Бу борада “ашил ҳудуд”, “ашил боғ” яратиш бўйича ҳар бир де-путатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналтирамиз. Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз”.

Дарҳақиқат, мазуру механизмининг йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувидаги ислохот-ларни айнан маҳаллалар орқали кўйи тизим ва реал ҳаётга таъбиқ этиш назарда тутилганлиги аниқ кўриш мумкин. Янги трансформациялашув уйғунлиги.

Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва маҳалла трансформациялашувини самарадорли-гини оширишнинг аниқ механизми ҳам Мурожаатномада ўз аксини топган. Унда давлат бошқарувини номарказлаштириш, ҳудудларни бошқарма-бошқич ривожлантиришга эътибор қаратилди: “...туман бюджети даромадларини камиди 2 қарра кўпайтиришга шариот яратиб бериш зарур. Шу мақсадда 2026 йил 1 январьдан бошлаб, қўйилган қиймат солиғидан ту-шумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳу-дудларда 20 фоиз қолдирилиб, бу маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилади.

Бундан ташқари, даромадларнинг прогно-га нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизин, экин ерларини ижарага бериш ва бо-зорлардан маҳалла раис ҳам тўлиқ туман бюдже-тига берилади”.

Бунинг маъноси шуки, трансформацияла-шув жараёни юқоридан қуйи бўғинга қараб қасб этиб боради. Давлат бюджети ҳисоби-дан туманларга берилётган бундай ҳуқуқ — иқтисодий ресурс — сиёсий эркинлик зами-рида халқнинг муаммоларини бартараф этиш ва фаровонлигини ошириш мақсади турибди. Зотан, давлат бошқарувида марказдан ҳудуд-ларга эркинлик ҳамда имконият берилиши маҳалланинг трансформациялашувини тез-лаштиради. Фикримизни кенгроқ асослаш учун Мурожаатномадаги қуйидаги вазифага эътибор қаратишимиз лозим толиди: “Вилоят, туман ҳокимлигарида самарасиз ва бир-бирини

такрорлайдиган штат бирликларни қисқарти-риб, тежалан маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш учун ажратишга рух-сат этилади. Бу орқали туманлар бюджетида йилга 5 триллион сўмлик қўшимча манба шаклланади ва у маҳаллалар инфратузилма-сини яхшилашга сарфланади”.

Бу ерда ҳам гап давлат бошқаруви ва маҳал-ла трансформациялашувини ҳақида бормоқда. Бошқача айтганда, давлат органлари маҳалла ривож ва халқ фаровонлиги йўлида ўз фаоли-тини тақомиллаштиришга масъул бўляпти.

Юқоридигилардан маҳалланинг трансформациялашувини фақат давлат органлари орқали билвосита амалга оширилган экан деган бир томонлама ҳулосага келмаслик керак. Маса-ланинг бир жиҳати ҳам Мурожаатномада муа-момни ҳал этишнинг аниқ ечим сифатида белгилаб қўйилган: “Келгуси йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўми вилоятларнинг ўзига берилмиш. Энг муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолининг учун қўйилган қиймат яратиши зарур. Шу боис, бу пуллар умуман қайсирур туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромади қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилди.

Марҳамат, қайси маҳалла раиси, ҳоким ёр-дамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берса, зарур маблағни олсин. Шунда адолатдан бўлади”.

Мазкур ҳуқуқий механизм муайян вақт ўт-гач, реал аҳамият касб этиб, самара бериши шубҳасиз. Чунки ушбу трансформациялашув-дан давлат бошқаруви органлари, маҳалла ин-ститути, халқимиз бирдек манфаат қуради.

Давлат бошқаруви ва маҳалла трансформациялашувининг ўзаро уйғунлиги бевосита за-мон талаби — одамларнинг эҳтиёж ва манфаат-ларидан келиб чиқаётган боис ҳам долзарб. Шу нуқтаи назардан мазкур трансформацияла-шув жараёнида қуйидаги устувор йўналишлар-га эътибор қаратиш мумкин:

Биринчидан, мамлакат раванки ва халқ фаровонлиги айнан маҳалладан бошланади. Мазкур мантиқдан келиб чиқиб, маҳаллани одам-ларнинг турли йўналишлардаги муаммоларини ҳал этадиган тизимга айлантириш зарур. Иккинчидан, маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш натижасида давлат бошқару-вини кенг миқёсда трансформациялаш ҳамда маҳалланинг юрт раванкидаги ўрни ва ролини янада оширишга устувор вазифа сифатида қара-ш лозим.

Учинчидан, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий доирадаги муаммоларини ҳал этиш масаласига комплекс ёндашувини жорий этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Тўртинчидан, мазкур комплекс ёндашувни дастлаб таныб олинган субъектларда тажриба тарихида синновдан ўтказиш ҳар томонлама ўзини оқлайди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимиз ҳал қилувчи босқичга қадим қўяётгани ва мазкур йўналишда ҳар бир соҳа ҳамда тармоқ чуқур трансформация талаб қилишини алоҳида таъкидлаган эди. Зеро, юртимизда давлат бошқаруви ва маҳалла институтининг уйғунлиги асосида трансформациялашувини натижасида ислохотлар аниқ амалий натижага айлантирилди.



Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ, юридик фанлар доктори, профессор

Бошқарувда миллий давлатчилик тарихи, миллий менталитет, қадрият, урф-одат, анъана-ларга таянган мамлакат, шубҳасиз, истиқболли бошқарувга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, маҳалла миллий давлатчиликнинг тарихида ўз ўрни ва мавқега эга бўлиб келмоқда. Янги Ўзбекистонда ҳам ўтган ўн йилда маҳалла тизими ислоҳ этилиб, бошқарувда унинг ўрни ва ролини оширишнинг ҳуқуқий механизмига



Долзарб мавзу

АВТОМОБИЛЬ СУГУРТАСИ

Қонуний ҳуқуқларимизни биламизми?

Инсон ҳаёти, саломатлиги, мол-мулкни сугурталаш жаҳон амалиётида анча оммалашган. Бунда бирор бахтсиз ҳодиса туфайли сугурталанган шахс ёки буюмга зарар етса, шартнома тузилган сугурта компанияси товон пули тўлаб бериши ҳақида кўп эшитамиз. Автомобиль сугуртаси ҳам шундай: кутилмаганда юз берадиган йўл-транспорт ҳодисаси сабаб кўриладиган зарарнинг муайян қисми қопланшига кафолатдир.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг топшириги билан ушбу тизимни такомиллаштириш, халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилган. Бунинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Сугурта тизими ҳам бошқа барча соҳа каби одамлар учун ишлаши, қонуний кафолатга айланиши ва халқаро стандартларга мос бўлиши учун замонавий чоралар қўлланяпти.

Товон пули қайси томонга берилади?

Кейинги йилларда соҳадаги сезиларли ривожланишлар сабаб сугурта компаниялари сони ортиб, улар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлмоқда. Одамларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлиги ошган, сугурта шартномаларини шунчаки тузмай, зарур ҳолларда товон пулини талаб қила бошладилар. Танлов имконияти ҳам етарлики. Биргина автомобиль сугуртаси бўйича ўнлаб компания хизматларини тақлиф қилади.

Аслида, ҳеч ким йўл-транспорт ҳодисаси бўлиши тарафдори эмас. Аммо кутилмаганда турли вазият бўлади. Кичик эътиборсизлик сабаб исталган вақтда кўнгилсизлик рўй бериши мумкин. Бундан айбдор ҳам, жабрланган ҳам бирдек зарар кўради. Рухий ёки жисмоний зарардан ташқари етказилган моддий зарар кўлами ҳам турлича бўлади. Баъзан зарарни қоплашга томонларнинг имконияти етмайди. Шундай вақтда сугурта товони зарарнинг муайян қисmini ёки тўлиқ қоплаши керак. Ҳар ҳолда сугурта механизми ҳақидаги тушунчаниз шундай.

Аммо амалда бу тизим қанчалик ишляпти? Нега ҳақон йўл-транспорт ҳодисаларидан кейин сугурта товонини ундириш асосий муаммага айланади? Гарчи мажбурий автосугурта шартномасига эга бўлсак-да, компания зарарни қанчалик қоплаб бериши катта сўроқ остида қолади. Шу жиҳатдан одамларда мажбурий автосугурта зарурати, қонуний талабларига қанчалик мослиги, ихтиёрий сугуртадан фарқи жиҳатлари билан боғлиқ саволлар кўп пайдо бўлади. Ваҳоланки, автомобиль эгалари ҳар гал белгиланган муддатда янгиланган турли-хил мажбурий автосугуртадан амалда фойдаланиши истади ва қонуний жиҳатдан бунга тўла ҳақли.



— Мамакатимизда сугурта фаолияти тегишли қонун билан тартибга солинади. Қонунийликка кўра ушбу тизим юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқаролик фаолиятини сугурта қилиш, яъни сугурта ҳодисаси юз берган вақтда жабрланувчининг мол-мулк, ҳаёти ёки унга бошқа хавф-хатарларда етказилган зарарни қоплашга қўлланади. Мажбурий автосугурта шартномаси бўлган зарарни тўлаб бериши аниқлаштирилади. — дейди Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Педагоглар маркази мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Зафаржон Раҳмонов.

— Сугурта одатда ихтиёрий ва мажбурий кўринишда бўлади. Автосугурта мисолида олсак, ихтиёрий сугурта орқали фуқаро ўз автомашинасини турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилади. Мажбурий сугурта эса транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилади. Яъни давлат мажбурий сугурта орқали фуқароларни молиявий хавфдан ҳимоя қилади ва ҳайдовчи бошқа шахсга зарар етказса, ушбу зарарни сугурта компанияси қоплаб беради.

Гап шундаки, баъзи фуқаролар бировнинг автомобилга зарар етказса, тўлов қобилияти бўлмаган ҳолларда қатор овозгарчиликлар келиб чиқади. Натияжада жабрланувчининг узоқ суд жараёнлари, ижро ишлари билан овора бўлишига тўғри келади. Мажбурий автосугурта эса бундай ҳолларда жабрланувчи учун кафолатга айланади ва кўрган зарарини қоплаб беришга қаратилади. Шу боис, миллий қонунийликимизда янги машина харид қилган одам 10 кун давомида автомобилни сугурта қилдириши, акс ҳолда, унга жавобгарлик қўланиши кўрсатилган.

Сугурта шартномаси одатда бир йил муддатга расмийлаштирилади. Аммо ундан фойдаланиш тартибидан фарқ бор. Масалан, мажбурий сугуртада бадал пули тўланганидан сўнг бир йил давомида ҳеч қандай йўл-транспорт ҳодисаси бўлмаса, сугурта пули қайтариб берилади. Ёки шартнома бекор қилинса, қолган даруд учун тўланган бадал пули қайтариб берилади. Ихтиёрий сугурта эса бир йил ичда тўловнинг қолган суммасини қайтариб олиш мумкин. Умуман, мазкур жараён тизимда энди ривожланипти ва ҳали такомиллаштирилиши керак.

Давлатимиз раҳбари бу йўналишни халққа яқинлаштириш вазифасини қўйгани бежиз эмас. Чунки тизимда етарликам қамчиликлар, мураккабликлар, ҳужжатбозлик бор. Халқроқ тажриба ўрганилишида юртимиз амалиётлари, биринчи навбатда, соҳадаги ортиқча қозғоқ-бозлиқ ва овозгарчиликларни камайтириш

кераклиги яққол кўринди. Шу боис, соҳада жаҳон стандартлари, замонавий механизмларни қўллаш, электрон ариза бериш тизимини ривожлантириш бўйича ишлар бажарилляпти. Бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий билими ҳам ошиб боради. Шундагина одамлар сугуртага ихтиёрий равишда эҳтиёж сеза бошлайди.

Тўлов қандай ҳолларда рад этилади?

Яқинда бир танишим йўл-транспорт ҳодисасига учрагани, автобилнинг орқасидан бир машина келиб ургани ҳақида айтиб қолди. Албатта, ҳодиса атай содир этилган. Воқеа жойига тегишли органлар вакиллари етиб келган. Зарар етказган киши айбони тан олган, аммо ҳозирча имконияти йўқлиги сабаб зарарни қоплаб беролмаслигини, жабрланувчи судга бериши мумкинлигини билдирган. Маълумки, суд жараёни узоқ давом этади, машинага етказилган зарарни эса қоплаш керак.

Шунда тегишли ташкилотлар вакиллари иккала ҳайдовчидан автосугурта шартномаси бор-йўқлиги, муддати тугаган-туганагани ҳақида сўраган. Уларнинг ҳар иккисидан сугурта шартномаси бўлгани сабабли товон пулини олиш учун ариза топширилиши кераклиги тушунирилган. Аввалига икки томон бундан қувониб, товон пули қисқа муддатда ундириб берилишига ишонган. Аммо кейинроқ сугурта компанияси товон пулини тўламамаслиги бўйича қарор чиқариши мумкинлиги, бу ҳам ортиқча овозгарчилик талаб қилишини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлган.

Ҳақиқатан, бизда сугурта пулини олиш жараёнида қозғоқбозлик кўплиги айтилади. Баъзилар унга кетадиган вақт, югур-югур сабаб ўша пулдан кечиб ҳам кетади. Айрим сугурта компаниялари белгиланган пулни бермасликка турли вақтлар келтирадиган ҳолатлар ҳақида ҳам эшитамиз. Аммо бу қонунийликка қанчалик тўғри келади? Умуман, автомобиль учун сугурта бадали тўланар экан, керакли вақтда ундан фойдаланиш ҳайдовчининг қонуний ҳаққи эмасми?

— Аслида, сугуртадан кўзланган мақсад жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб беришга қаратилган, — дейди Зафаржон Раҳмонов.

— Аммо сугурта компанияси тегишли тартибда ариза топширилганидан сўнг ҳолатни ўрганиб, сугурта ҳодисаси юз берган деб топганидан кейингина зарарни қоплаб беради. Шунда ҳам компания етказилган зарар қўламини қараб, қонунийликка белгиланган суммадан ошиб кетмаган ҳолда тўлайди. Тўғри, бунда тўлов жуда катта бўлмаслиги мумкин, аммо зарарнинг муайян қисмини, баъзан тўлиқ қоплайди.

Сугурта товон пулини олишнинг тартиби бор. Транспорт ҳодисаси юз берган вақтдан бошлаб фуқаролар 72 соат ичида сугурта компаниясига ёзма ёки электрон тарзда ариза орқали хабар бериши керак. Сугурта ташкилотига алоқага чиқиш имкони бўлмаган вақтлар узрли деб топилади, аммо электрон ариза юборилган вақт ҳуқуқий асос ҳисобланади. Кўрсатилган вақт оралиғи сугурта ташкилотининг иш кунига тўғри келмаслиги ҳолати эса бундан мустасно.

Иккинчи талаб шунки, транспорт ҳодисаси содир бўлгани ҳақида йўл ҳаракати хавфсизлиги органига хабар берилиши керак. Ҳодиса жойида далолатнома расмийлаштирилади. Сўнг транспорт воситасига етказилган зарарни ўша жойнинг ўзида баҳолаштириш керак. Ана шу ҳужжатлар илова қилинган ҳолда сугурта компаниясига ариза берилади.

Тартибга кўра, сугурталовчи ташкилот аризани 15 иш кунига кўриб чиқиб, жавоб бериши керак. Агар сугурта ҳодисаси тасдиқланса, қарор қабул қилинганидан сўнг 5 иш кунини ичида товон пули тўланиши шарт. Муваффақиятсизлиги ноконуний ҳисобланади.

Ариза топширилган, сугурта компанияси ҳақиқатан бахтсиз ҳодиса бўлгани ва бошқа жиҳатларни ўрганишдан кейингина товон пулини тўлаш бўйича тегишли қарор чиқарилади. Бунда тўлов рад этилиши ҳам мумкин. Масалан, юз берган транспорт ҳодисаси сугурта шартномасига кирмайдиган ҳолда, ариза топшириш муддати узрли сабабларга эга бўлганда, транспорт воситасига қасддан етказилган зарар исботланганда ёки маст ҳолда транспорт бошқарилган вазиятларда сугурта компанияси тўловдан бош тортиши қонуний ҳолат бўлади. Агар фуқаро кўрсатилган сабаб ва чиқарилган қарордан норози бўлса, судга ёки назорат қилувчи ваколатли органларга мурожаат қилиши мумкин.

Яна бир жиҳати, сугурта товон пули автомобиль ҳисобидан содир бўладиган тасодифий бахтсиз ҳодисаларда ҳам тўлаб берилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам сугурта компаниясига ариза билан мурожаат қилинади. Масалан, машина устига дархат ағанаб кетса ёки автомобиль эгаси йўл носозлиги ёки бошқа имконият омилилар сабаб уловни бирор жойга уриб олса, товон пули ундирилиши мумкин. Фақат фуқаро чиндан бахтсиз ҳодиса содир бўлганини исботлаб бериши керак. Бунда воқеа жойига ИПХ ходимлари ёки профилактика инспекторларини чақириб ёқуд камера ёзуви орқали олинган далилларнинг тақдим этилиши зарур. Шундан кейин жараёни сугурта компанияси ўрганади, машинанинг техник жиҳатдан соғлигини текширади. Агар ҳақиқатан автомобильнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бахтсиз ҳодиса юз берган деб топилса, етказилган зарар сугурта асосида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

Гап фақат сугурта пулини тўладикми, товон пулини ҳам, албатта, ундирилмиш кераклигида эмас. Гап ушбу амалиёт ҳақиқатан ишлаш, барча томон манфаати ҳамда белгиланган вазифага хизмат қилишида. Яъни сугурта шунчаки керак эмас, балки амалдаги ишонч, ҳуқуқий кафолат белгисига айланиши керак. Соҳани ривожлантириш ҳаракатлари эса айна мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инновация



Мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалиги тармоқларида пахтачилик салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳосил мўл бўлиши катта иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш учун муҳим хомашё базаси мустаҳкамлигини таъминлайди, албатта. Кейинги йилларда соҳани янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион агротехнологияларни амалиётга жорий этиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди, деҳқонлар манфаатдорлигини оширди.



ҲОСИЛДОР НАВ ВА УСУЛ МУШТАРАКЛИГИ



Президентимизнинг 2025 йил 9 декабрдаги “Пахтачилик ва галлачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Энди замонавий интенсив агротехнологияларни қўллаш орқали пахтачиликда ҳосилдорликни гектарига 50 центнердан ошириш, пахта етиштириладиган майдонларда тўлиқ яккақатор ва қўшқатор усулда чигит экилишини ташкил этиш, илмфан ютуқларини амалиётга жорий этиш кўлами янада кенгайган.

Хориж гўза навларини маҳаллий шароитда янгича усулларда экиш ҳосилдорлигини сезиларли ошириш билан бирга маҳсулотни йиғиб-териб олишда пахта териш машиналаридан фойдаланиш имкониятини кўпайтирди. Утган йили Фаргона вилоятда 72 минг гектар ерда гўза парвариланган. Шундан 24 минг гектар майдонга Хитойдан келтирилган “Xin Lu Zao-78”, “Xin Lu zhong-52”, “Xin Lu Zao-57”, “Xin Lu zhong-87” гўза навлари ҳамда 10,3 минг гектарга “Шинжон-Уйгур” технологияси асосида тегишли қўшқатор схемада, плёнка остига чигит экилиб, парвартиш қилинди. Натияжада ўртача ҳосилдорлик 45 центнердан ошиб, ялли хирмон салмоғи 323 минг

871 тоннани ташкил этди. Бу йўналишда юқори интенсив агротехнологияларни қўллаган 73 та фермер хўжалиги пахтадан 60 центнердан, 142 фермер хўжалиги 55 центнердан ва 464 таси эса 50 центнердан ортиқ ҳосил етиштириб, юқори даромад олишга эришди. Бу қийсанлари биргина 2024 йилдаги ҳолат билан солиштирсак, ҳосилдорлик салмоғи 10-15 фоиз ошиб кетганини аниқлаш мумкин.

— Ҳосилдорликнинг бир жиҳати янги навларнинг кириб келиши билан ҳам боғлиқ. Аммо ютуқларнинг асл сирини тўлиқ бунда эмас, — дейди Кишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази хузуридаги Фаргона вилояти агрохизматлар маркази директори ўринбосари Омадилло Раҳмонов. — Бош сабаби кўчарчи оралиғида тегишли янги технологиянинг қўлланиши, кўсак қурти ҳамда бегона ўтларнинг бартараф этилишида. Шу ўринда “Шинжон-Уйгур” пахта етиштириш усули муҳимлигини айтиш жоиз. Бунда бир гектарда 220-240 минг туп қўчар парвариланиб, бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, 66x10 сантиметрли қўшқатор усулида плёнка остига пневматик сеялка билан доналаб чигит экилади. Шунинг ҳисобига ҳар гектарда 20-30 килограмм уруклик чигит иқтисодий қилинади, аниқ уялаб экилгани боис, ягана қилинмайди. Плёнка тўшамаси герметик ёпилиши учун бегона ўт босмайди, чопиқ қилиши ҳам эҳтиёж

қолмайди. Ерни чуқур юмшатиш, қатор орасини 7-8 марта культивация қилиш тадбирлари ўтказилмаслиги ҳисобига техника, ёниги-мойлаш ва қўл меҳнати учун сарфланган маблағ тежаб қолинади. Томчиликли сугурти ҳисобига 35-40 фоиз сув, 30-40 фоиз минерал ўғит тежаллади. Очқ майдонга экилган пахтага нисбатан кунлик керакли ҳарорат 2-3 даража кўпроқ олинади ва пахта 10-15 кун эрта пишиб етилади. Бу эса кузнинг ёмғирли кунларига қолмай, ҳосилни юқори навларда сотиш имконини беради. Плёнка остига чигит экилган майдонларда тупроқ зичлашмасдан доимий юмшоқ ҳолатда бўлиши, юқори ҳарорат ва намлик етарли даражада сақланиб туриши эвазига гўзанинг илдиз тизими яхши ўсиб ривожланади. Берилган минерал ўғитлар самарали таъсир қилади, экин соғлом ва бариқ ривожланади. Бу очқ майдонга нисбатан 10-15 кун эрта ва 15-20 центнер юқори ҳосил олиш имконини беради.

Риштон туманидаги “Пахтакор Иқроқ” фермер хўжалиги ҳам бу усул афзалликларини, иқтисодий самарадорлигини фойдаланиши борасида тажриба ошириб келляпти. Фермер хўжалиги ерларида тажриба-синув майдони ташкил этилди. Утган мавсумда белта ҳорижий (Хитой) ва тўртта маҳаллий гўза нави чигити бир майдонга апрелнинг охирида гектарига 500 килограммдан аммофос ва 100 килограммдан

калийли ўғит қўшилиб “Шинжон-Уйгур” тажрибаси асосида парвариланди. Сўнг ҳосилдорлик таҳлил қилинди. Натияжада Хитой навлари билан бирга маҳаллий “С-8290”, “Равнақ-2”, “С-6775”, “Наманган-77” навлардан ҳам 54-58 центнердан ҳосил олинди. Лекин В1 ва G1 генли хорижий навлар кўсак қурти ҳамда гербицидга чидамли бўлиши ҳисобига қўчартадан ҳосилни сақлаб қолиш имконияти юқорилиги маълум бўлди. Аниқроқ айтилса, маҳаллий навларда касалликка чидамлик даражаси юқори эмас. Чопиқ, илдиз атрофини юмшатиш сингари агротехник тадбирларни талаб қилади.

— Дастлаб бу технологияни жорий этиши ортиқча сарф-ҳаражат, овозгарчилик деб уйланганми, — дейди фермер хўжалиги раҳбари

Мирзаҳамд Ҳаммомов. — Бу борада кўчанинг поиси қалинлиги ҳам муҳим эканини тушуниб етдик. Ютуғимиз шунда, десам, тўғри бўлади. Гектарига 240 мингта чигит экиб, ягана қилмай, чопиксиз барча кўчани ва кўсакни сақлаб қолиш мумкин. Анъанавий усулда парвариланган учун чигитни қалин экмас, кўсак қурти еб қўяди. Чопиқ қилмасак, бегона ўт босиб, қўчарлар сони сезиларли камаяди. Зарарли ҳашаротларга қарши бир неча бор кимёвий ишлов бериш атроф-муҳитга зарар етказиши билан бирга хомашё таннархи қимматлашиб кетишига сабаб бўлади. Олти-етти йил илгари пахта ҳосилдорлиги 25-27 центнерни ташкил этган. Ҳозир бу рақам 50-60 центнерга етди.

Пахтачилик механизацияси, фермерларнинг техника қадри вилоятта 1137 та юқори унумли ҳайдов, лазерли ер текислагич, чигит экиш сеялкаси, чопиқ культиваторлари, дон ўриш ва 200 дан ортиқ пахта териш техникаси сотиб олингани қўл меҳнатини камайтирди, иш унумдорлигини оширди. Ҳисоб-китобларга кўра, соҳага янги техника ва технологиялар жорий этилиши ҳисобига ўтган мавсумда ҳосилнинг қарийб 60 фоизи юқори унумли терим машиналари ёрдамида йиғиб олинди.

— Кишлоқ ҳўжалиги имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу баракаси, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимизнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан шу тармоққа боғлиқ. Шунинг учун пахта-галлачилик йўналишида фаолият юритяётган фермер хўжаликлари раҳбарлари учун соҳадаги долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, замонавий илмий ёндашувлар ва илгор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этганми, — дейди вилоят агрохизматлар маркази директори, пахтачилик кенгаши хузуридаги Фаргона вилояти ишчи гуруҳи раҳбари Раваҳнаб Қўрбонов. — Унда олимлар ва мутахассислар ер унумдорлигини ошириш, сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш, юқори ҳосилли навларни танлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш масалалари бўйича атрофчила тушуноча ва тавсиялар беради. Мухими, фермерларимизнинг пахта етиштиришда янги технологиялар ва инновацияларни қўллаш истаги юқори.

Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда илмий ёндашуш янги нави, технологияларни жорий этиш хомашё етиштиришни кўпайтириш билан бирга қўшилган қиймат зияжирини яратиш, янги иш ўринлари очиб, қўл меҳнатини камайтиришга хизмат қилаётди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz yuz.uznews

Хар қандай давлатнинг эртанги қиёфаси, аввало, унинг ёшлари қандай билим ва касб эгаллаётгани, қандай тарбия топаётгани, қай даражада юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайётганида намоён бўлади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда тараққиётнинг энг муҳим таянчларидан бири сифатида ёшларга эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, улар нафақат демографик жиҳатдан катта қатлам, балки мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти, янгиланиш суръати ва ижтимоий-иқтисодий юксалишини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучдир.



2026 йил 24 март, 56-сон

Бу борада "Ёшлар дафтари" тизими муҳим амалий механизм сифатида шаклланди. Амалдаги тартибга кўра, "Ёшлар дафтари"га 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар киритилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди "Ёшлар дафтари"га киритилганларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш тартиби атофлича белгилаб берилган. Унда бандликни таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, меҳнат миграциясига тайёрлаш, шунингдек, моддий ёрдам, субсидия, компенсация ва турли ўқув харажатларини қоплаш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилган.

Ёшлар ҳақида сўз юритилганда, хотин-қизлар ва ёш оилалар масаласини алоҳида тилга олмаслик мумкин эмас. Чунки жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, оила мустаҳкамлиги ва келажак авлод тарбияси, аввало, аёлнинг жамиятдаги ўрни, имкониятлари ва ёш оилалар учун яратилган шароитлар билан chambarchас боғлиқ.

Президентимизнинг 2025 йил 14 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини жойига бориб ўрганиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш вазифалари қўйилган.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир ҳуқуқий асослар ҳам анча илгиридан шаклланди бўлиб, улар бутунги ислохотлар билан мазмунан бойиб бормоқда. Қонунчиликка мувофиқ, турмуш қурганларнинг ёши 30 ёшдан ошмаган ёки болани 30 ёшдан ошмаган ота-онадан бири тарбиялаётган оилалар ёш оила тоифасига киритилади. Илгари қабул қилинган ҳужжатларда ёш оилаларнинг ўз уй-жойига эга бўлишига амалий ёрдам кўрсатиш, уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш ва муайян солиқ имтиёзлари бериш каби чоралар жорий этилган. Бугун бу ёндашув ижтимоий ҳимоя, уй-жой, бандлик ва оила барқарорлигини бир-бири билан боғлаган ҳолда давом этмоқда.

Ёшлар тарбиясида ватанпарварлик масаласи алоҳида ўрин тутади. Чунки ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ва фуқаролик масъулияти ёш авлод камолотининг энг муҳим маънавий белгиларидан бири. Таълим муассасаларида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қақирғувга қадар бошлангич тайёргарлик машғулотлари билан уйғунлаштирилган ҳолда ташкил этилиши бу борада кутилган натижани беради. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича комплекс дастурга мувофиқ амалий ишларни жадаллаштириш вазифаси алоҳида қайд этилган.

Эндики асосий вазифа эришилган нукталарни барқарор тизимга айлантириш, давлат томонидан берилган шароитларни аниқ натижага, яъни билим, ташаббускор, рақобатбардор ва ватанпарвар авлод камолотига хизмат қилдиришдан иборат. Ана шу ҳолдагина ёшлар сиёсати нафақат бутуннинг, балки эртанги тараққиётнинг ҳам энг ишончли таянчига айланади.

Юксалиш палласи

ЁШЛАР УЧУН БИЛИМ —

ИМКОНИЯТ, ТАРБИЯ — МАСЪУЛИЯТ



Наим ОБЛОМУРADOV, тарих фанлари доктори, профессор

Ёшларга оид давлат сиёсати юртимизда сўнгги йилларда алоҳида бир ижтимоий йўналишдан стратегик тараққиёт масаласи даражасига кўтарилди. "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ёшларни қўллаб-қувватлаш тамойиллари ва уларнинг ҳуқуқий кафолатлари аниқ белгилаб берилди. Президентимизнинг ёшлар билан учрашув ва мулоқотларида эса доимо таълим-тарбия, бандлик, тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, маънавият, ватанпарварлик масалалари устувор вазифа сифатида тилга олинади. Хусусан, шу йилнинг 24 феврал куни бўлиб ўтган учрашувда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш, уларнинг таълим олиши, касб ўрганиши, иш топиши, тадбиркорлик ва инновацион фаолият билан шугулланишида янги механизмларни жорий этиш зарурлигини таъкидланди.

Ушбу мулоқотда давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар эса бу соҳадаги ислохотларни янада юқори босқичга олиб

чиқди. Учрашувда 32 та муҳим ташаббус илгари сурлиб, улар орасида ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин эгаллади. Хусусан, ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши белгиланди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилиши, ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун эса 10 миллиард сўмгача кредит ажратилиши маълум қилинди.

Энг муҳими, қўллаб-қувватлаш фақат кредит бериш билан чекланмайпти. Таъкидланишича, инновацион стартап лойиҳаларга 100 миң долларгача инвестиция киритишга руҳсат этилади, ҳар бир ҳудудда ёшларга бизнес хизматлари кўрсатувчи "Ёшлар бизнес инкубатори" ишга туширилади, банklar томонидан 50 миң ёшга бепул бизнес-режа тайёрлаб берилади. Шунингдек, 20 миң ёшга тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилган. Демак, бу ёндашув ёшларнинг фақат қарз олувчи сифатида эмас, балки ўз гоёсини шакллантириш, режалаштириш, бошқариш ва бозорга олиб чиқиш босқичларида кузатиб бориладиган тўлақонли тадбиркор сифатида кўришга асосланмоқда.

Ёшлар камолоти ҳақида сўз бorganда, аввало, таълим ва тарбия масаласи биринчи ўринга чиқади. Миллий статистика кўмитаси маълумотиغا қараганда, 2024-2025 ўқув йили бошида 18-23 ёшли аҳолини олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 2014 йилдагига нисбатан 40,9 фоиз ошиб, 47,7 фоизни ташкил этган. Бу юртимизда олий таълим оммалашиб, ёшлар учун янада очик ва қулай майдонга айлантирилганини кўрсатади.

Юртимизда ёшларнинг иш топиши, касб эгаллаши, ўзини ўзи банд қилиши ва

тадбиркорлик билан шугулланиши учун барча ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар яратилган. Айниқса, ёшлар бандлигини манзилли таъминлашга қаратилган ёндашув анча кучайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги "Ёшларни касбга (мутахассисликка) ва чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

минг ёшни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Ёшлар бандлиги дастури" қабул қилиниб, 354,1 миң ёшнинг бандлиги таъминланган. Шу хабарда ишисиз 115,8 миң ёшга раҳбарлар бириктирилгани ва уларнинг 114,9 миң нафари иш билан таъминлангани ҳам қайд этилган. Бу рақамлар ёшлар бандлиги бўйича манзилли ишлаш амалиёти муайян самара бераётганидан дарак.

Ёшлар тадбиркорлигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир бюджет механизми ҳам мавжуд. 2025 йил учун давлат бюджетиди Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси бўйича алоҳида кўрсаткичлар белгиланган эди. 2026 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги қонунда ҳам мазкур йўналиш сақланиб қолган. Унда Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасининг йил бошига кутилган қолдиғи 548,4 миллиард сўм, 2026 йил учун даромадлар прогнози эса 151,4 миллиард сўм этиб белгиланган.

"Янги авлод тадбиркорлари" дастури доирасида камида 40 миң ёшни бизнесга ўргатиш, энг яхши 1 миң ёшнинг лойиҳасига 3 йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизлиқ ссуда бериш режалаштирилган. Бу ёндашув стартап экотизмида гоёдан то амалий натижагача бўлган бутун заنجирини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоя ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу йўналишнинг асосий мақсади ҳаётда қийинчиликка дуч келган, ишисиз, даромади паст ёки қўшимча ёрдамга муҳтож ёшларни аниқлаш, муаммоларини манзилли ҳал этиш ва мустақил ҳаётга қайтаришдан иборат.



Ёшларнинг муаммоларини маҳалла кесимида ўрганиш, уларни ишга жойлаштириш ёки касбга йўналтириш, эҳтиёжманд қатламни "Ёшлар дафтари" орқали қўллаб-қувватлаш каби механизмлар шу мақсадга хизмат қилмоқда. "Ёшлар дафтари"ни жорий этиш бўйича амалдаги тартибда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга касб-хўнарга ўқитилиши, тадбиркорликка жалб қилиниши ва курслар харажатларини қоплаш тартиблари ҳам аниқ белгиланган.

тўғрисида"ги қарориди касбий таълим ташкилотларида ёшларни касб-мутахассислик ва чет тилларга ўқитиш бўйича ўқув курслари ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган. 2025 йил 22 апрелда ушбу ҳужжатга ўзгартишлар киритилиб, иш механизмининг янада аниқлаштирилди.

Ёшлар ишлари агентлигининг 2025 йил якунлари бўйича ахборотига кўра, ишисиз ва бизнесини бошлаш истагида бўлган 384,4

МАҚСАД — СИФАТЛИ ТАЪЛИМ БЕРИШ



Камолот пиллаояси

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан ўтказган очик ва самимий мулоқоти таълим, айниқса, олий таълим муассасалари фаолияти учун муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларнинг билим олиши, илм-фан билан шугулланиши ва салоҳиятини намоён қилиши учун барча шарт-шароит яратилмапти. Жумладан, олий таълим муассасалари сони кескин ошди. Соҳага хусусий сектор кириб келди, хорижий университетлар филиаллари очилди. Бу ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятини янада кенгайтирди.

Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш ва инновацион гоёларни амалиётга жорий этишга катта эътибор берилди. Бугун илмий грантлар, стартап лойиҳалар, ёш тадқиқотчилар учун махсус дастурлар жорий қилинмапти. Шу орқали ёшларнинг илм-фанга қизиқиши янада кучаймоқда.

Мамлакатимиз етакчисининг ёшлар билан мулоқотида таълим сифатини ошириш, хорижий тилларни ўрганиш, рақамли технологияларни ўзлаштириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш каби масалалар ҳам алоҳида эътибор маркази бўлди. Бу вазифалар, айниқса, олий таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ёшларнинг таълим олиши, тил ўрганиши, касб эгаллаши ва инновацион гоёларини рўёбга чиқариши учун яратилаётган имкониятлар барча олий ўқув юртиларидан мутлақо янги ёндашувни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 18 та факультети, 58 та кафедрасида ёшлар билан ишлашнинг манзилли тизими жорий қилинади. Талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун тўғарақлар билан ишлаш бўйича платформа ташкил этилади. Унга 8 миң талабани қамраб олиш режалаштирилган. Иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг стартап ва инновацион гоёларини амалга оширишга қаратилган тадқиқот ишланмалари ҳамда лойиҳалари сони жами лойиҳа, ишланмалар ҳажмига нисбатан 30 фоизгача оширилади.

Шунингдек, университетда 40 ёшгача бўлган, илмий даража ва унвонга эга, истиқболли профес-



Бердиёр ЖОЛЛИБЕКОВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

фессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрлар, юқори салоҳиятли ёш олимларни жами профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан 400 нафаргача етакчилик мақсад қилинган. Хар бир талаба университетда нафақат билим олиши, балки ўз келажagini аниқ белгилаши учун барча шароитлар яратилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълимга янги методика ва инновационлар жорий этган раҳбар фаолиятида чинакам ўзгартиш рўй беради. Шу асосда университетда 2026/2027 ўқув йилидан дуал таълим дастурини жорий этиш бўйича Устюрт газ казиб чиқариш бошқармаси, "Қўнғирот сода заводи" масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда 100 та талаба қабул қилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, чет тилларни ўқитишни янги форматда ташкил этиш, ҳар бир битирувчи камда битта касбий кўникма ва битта чет тили амалий даражада билиши асосий мақсад этиб белгиланади. Шунингдек, чет тилларни биладиган 160 нафар ментор талаба ёшни қайта тайёрлаб, улар ёнги таълим вақтларида маҳалла ёшларига чет тилларни ўргатиши учун қисқа курслар ташкил этилади. Чет тили бўйича миллий ёки халқаро тан олинган В2 ҳамда С1 даражадаги сертификатларни олиш кўрсаткичини ҳам талабалар, ҳам профес-

сор-ўқитувчилар орасида кескин ошириш белгиланган. "Беш миллион сўнгий интеллект етакчилари" лойиҳаси бўйича университетнинг 1000 нафар профессор-ўқитувчиси ва 17 миң нафар талабаси opr.aistuz.uz платформасида ўқитилади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги янги молиявий механизмлар университетлар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Шу боис, талабаларнинг стартап гоёларини бизнес лойиҳага айлантириш бўйича менторлик тизими йўлга қўйилиб, инвесторлар ва тадбиркорлар иштирокида стартап форумлари ўтказилади. "Келажакка қадам" дастури асосида жорий йилда 3987 битирувчининг камида 20 фоизлиқ кредит олишига кўмаклашиш режа қилинган. Талабаларнинг энг яхши лойиҳаларини маҳалли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ахборот хуружлари кучли бўлган айна даврда ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарб вазифадир. Шу сабаб китобхонлик ҳаракати янги босқичга олиб чиқилди. Бунинг учун жорий йилда бир вақтинг ўзиди 300 дан ортик китобхон синадиган замонавий тилдаги кутубхона куриш режа қилинган.

Қолаверса, 2026 йилда профессор-ўқитувчиларимиз ўзбек ва қорақалпоқ тилларида 276 номдаги янги авлод ўқув адабиётлари яратади. Улар чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етиб боради.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар нафақат янги имкониятлар, балки ҳар биримиз учун юксак масъулият ҳамдир. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ушбу вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, ёшларимизнинг илм-фан, инновация, тадбиркорлик ва маънавият соҳаларида етакчи авлод бўлиб камол топиши учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Президентимизнинг 2025 йил 24 декабрдаги "2026-2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида кўра, жорий йилнинг 1 февралдан зўравонликка учраган ва зўравонлик хавфи остида турган болалар учун профессионал тутигана оила хизмати жорий этилди. Бу шунчаки ҳимояга муҳтож болаларни уйга қабул қилиш эмас, балки зўравонликдан жабрланган ёки шундай хавф остида бўлган болалар билан ишловчи, махсус тайёрларидан ўтган профессионаллашган оилавий ғамхўрлик шаклидир.

— Профессионал тутигана оила хизматининг бошқа муқобил парвариш шакллари (васийлик, ҳомийлик, патронат ёки оилавий болалар уйлари)дан фарқи терапевтик ёндашув ва касбий мажбуриятдадир, — дейди Дилноза Хусанова. — Васийлик, ҳомийлик ёки оилавий болалар уйларидаги асосий вазифаси болани тарбиялаш, парварилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлса, профессионал тутигана оилалардан болани стресс ва руҳий тушкунликдан

ПРОФЕССИОНАЛ ТУТИГАН ОИЛА



Инсон қадри учун

Бундай оилалар оддий васийлардан фарқи ўлароқ, махсус тайёрлов курсларида ўқитилмоқда. Унда ота-оналарга стресс, депрессия ва кўрқув исканжасидаги болалар билан қандай терапевтик мулоқот қилиш, уларнинг руҳиятидаги салбий кечинмаларни нейтраллаштириш каби касбий кўникмалар ўргатиляпти.

— Ушбу хизматда ота-она ўзини нафақат ғамхўр инсон, балки мутахассис сифатида тутади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Оғир ҳаётини вазиартаги болаларга ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Дилноза Хусанова. — Уларнинг қундалик ҳар бир ҳаракати ва сўзи болани нисбатан терапевтик муолажа элементларини ўз ичига олиши керак.

Профессионал тутигана оиланинг асосий вазифалари болани руҳий тушкунликдан чиқариш ва агрессив

ҳолатларини юмшатиш, болага оилавий муҳитда ҳаётини ҳамда маънавий кўникмаларини ўргатишдир. Шунингдек, боланинг хавфсиз таълим олиши ва тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш ҳам оиланинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, профессионал тутигана оила болани доимий асраб олиш дегани эмас. Бу вақтинчалик ва мақсадли жараён бўлиб, бола оилада бўлган даврда ижтимоий ҳодимлар унинг биологик ота-онаси билан ҳам ишлайди. Агар биологик ота-онанинг фарзандига ғамхўрлик қилиш салоҳияти тикланса, бола ўз оиласига қайтарилади. Ота-она ҳуқуқи ва муносабати ўзгармаган, болани оиллага қайтариш хавфи деб топилса, бола бошқа муқобил шаклларга (васийлик ёки ҳомийлик, фарзандликка бериш) йўналтирилади.

чиқариш талаб этилади. Шу билан бирга, профессионал тутигана оила "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳамқори сифатида ғамхўрликдаги боланинг бошқа эҳтиёжлари таъминланиши учун қўшимча ресурсларни жалб этади.

Айни кунларда профессионал тутигана ота-оналикка номзодларни махсус дастур бўйича ўқитиш ишлари олиб боришмоқда. Профессионал тутигана ота-оналар учун ишлаб чиқилган ўқув дастури бошқа шакллардан (масалан, фарзандликка олувчилар учун 60 соатлик курслардан) сезиларли даражада фарқ қилади. Унда асосан стресс, депрессия, кўрқув ва агрессив ҳолатдаги болалар билан ишлаш бўйича махсус касбий кўникмалар ўргатилади.

Тизимда боланинг субъектив ҳолати ва хоҳишларини қарор қабул қилишда устувор ҳисобланади. Айниқса, 10 ёшдан ошган боланинг фикри, у ўз оиласига қайтадики ёки бошқа жойлаштириш шакли танланади, шунда, албатта, инобатга олинади. Агар бола ўз биологик ота-онаси томонидан кўрилган зўравонлик сабабли уларнинг олдида қайтишни истамаса, ўзининг келажакдаги ҳаёт андозасини танлаш ҳуқуқига эга ва уни мажбурият қайтариши мумкин эмас.

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган оилавий болалар уйлари сони ортиб бормоқда. 2025 йил бошида 225 та оилавий болалар уйи фаолият юритган бўлса, ҳозир 417 тага етди. Бир йил ичида 100 га яқин янги оилавий болалар уйи ташкил этилгани жамиятда болаларни оилавий муҳитда тарбиялашга қизиқиш ортаётганини кўрсатади. Бу ишларда асосий эътибор болаларни муассаса "деворлари" орасидан чиқариб, табиий оилавий муҳитга синдиришга қаратилган.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Икки йил олисга қатнаб деҳқончилик қилган Шодиёр акага энди маҳалласи ҳудудидан ер ажратилди. Бу унинг учун катта имконият. Шу сабаб тезда ишга киришди. Ҳозирда томорқасидаги иссиқхонадан ташқари 30 сотих майдонга қулупнай, 8 сотихига сабзи эккан. Ўтган йили 300 миллион сўмга яқин даромад топган бўлса, жорий йил буни 500 миллион сўмдан оширишни мақсад қилган.

2026 йил 24 март, 56-сон



Фаровонлик харитаси

Шодиёр аканинг ҳам бошқалар каби ёшлигида орзулари бисёр эди. Улғайгач, университетда таълим олиб, яхши жойда ишлашни хоҳларди. Бунинг учун кўп ва ҳўб ўқиши кераклигини устозлари бот-бот таъкидларди. Шу боис, мутолаани қанда қилмасди. Мактабга келган газета ва журналларни синфдошларидан олдин ўқиб чиқарди. Почтачи амакини мактаб ҳовлисида биринчи бўлиб Шодиёр кутиб оларди. Амаки эса у учун алоҳида газета-журналлар олиб келарди. Шодиёрнинг интилишларини кузатган устозлари университет имтиҳонидан қийналмай ўтади деб тахмин қиларди. Афсуски, ундай бўлмади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИНИ ЎҚИБ, ТАДБИРҚОР БЎЛДИМ



Киши мақсадига эриши учун орзунинг ўзи камлик қиларди. Шодиёрнинг ҳам олий-гоҳда ўқишга имконияти бўлмади. Турмуш таъшишларига аралашди қолди. Оила кўрди. Тайинли иши ҳам йўқ эди. Рўзгор тебратиш осон бўлмади. Чорвачилик билан шуғулланди. Деҳқончилик қилди. Бир амаллаб кун кечира бошлади. Шундай бўлса-да, ёшлигидаги одати — китоб, газета ўқишни қанда қилмади. Фарзандлари ҳам отасига қизиқиб, китоб ўқийдиган бўлди. Бир кун кутилмаганда ҳаётда янги қадам ташлашга ундайдиган воқеа рўй берди.

Китоби мақсадига эриши учун орзунинг ўзи камлик қиларди. Шодиёрнинг ҳам олий-гоҳда ўқишга имконияти бўлмади. Турмуш таъшишларига аралашди қолди. Оила кўрди. Тайинли иши ҳам йўқ эди. Рўзгор тебратиш осон бўлмади. Чорвачилик билан шуғулланди. Деҳқончилик қилди. Бир амаллаб кун кечира бошлади. Шундай бўлса-да, ёшлигидаги одати — китоб, газета ўқишни қанда қилмади. Фарзандлари ҳам отасига қизиқиб, китоб ўқийдиган бўлди. Бир кун кутилмаганда ҳаётда янги қадам ташлашга ундайдиган воқеа рўй берди.

Тўрт-беш йил аввал маҳаллага ёрдам сўраб боргандим, — дейди қамалилик Шодиёр Жўраев. — Маҳалламиз ранси билан анча суҳбатлашдик. Шунда раиснинг столидаги “Янги Ўзбекистон” газетаси тахлами эътиборимни тортиди. Қарасам, қизиқарли мақолалари кўп экан. Газетани уйда ўқиб келсам бўладими дегандим, маҳалла раиси уни қўлимга тутқазди. Қувониб кетдим. Уйга шощдим. Келибоқ газета ўқишга тушдим. Бир мақолада менга ўхшаган йигит қулупнай экиб даромад топаётгани ҳақида ёзилганди. У атиги уч сотихдан яхши даромад олаётган экан. Ҳовлидан чиқмай шунча пул топиш... Интилса эришиш мумкин, дея ўйладим. Сўнг томорқамга чиқдим. Каттагина ер бўш ётибди. Номига эккан сабзавотимиз рўзгорга етмайди. Ўзимдан ўзим уялдим. Шунча имконият бор экан-у, қайлардан иш қидириб юрибман дедим. Шу кун қўлимга кетмон олиб, ер чопишга тушдим. Икки ўғлимни ҳам ёнимга чақирдим. Биргалашиб кечга қадар анча жойни чопиб чиқдик. Бегона ўтлардан тазаландик. Уч кун деганда ер тайёр бўлди. Бороздан қулупнай кўчати олиб келдим. Чиройли қилиб экиб чиқдим. Сўнг маслаҳат олиш истагида қулупнай билан шуғулланаётган деҳқонларни суриштирдим. Афсуски, ўша пайтлари бу борада воҳада



режалари. Аммо маҳалласи атрофидан бундай ер топа олмади. Олсрок бўлса-да, Қарши туманидаги фермердан ижарага ер олди. У ерда икки йил меҳнат қилиб, яхшигина даромад топди.

— Дойм газета ўқишим фойда беради. “Янги Ўзбекистон” газетасининг яна бир сонда қулупнайнинг иссиқхонада етиштирилаётгани ҳақидаги мақолани ўқидим, — дейди Ш.Жўраев. — Шундан сўнг бирданга тўрт сотих ерга иссиқхона қурдим. Қуз бошлангани билан ичига кўчат экдим. Қишда қулупнай ҳосилга кирди. Аёзда нархи ҳам яхшигина бўларкан. Айниқса, катта дўконларда талаб юқори. Кичик идишга қадқлаб, етказиб беришни бошладим. Ўтган йили эллик миллион сўмдан ортққ пулга қулупнай сотдик. Мана, иккинчи йилда ҳар икки-уч кунда 15-20 килограмм қулупнай сотамиз. Унинг килоси 180-190 минг сўмдан. Бу ойига ўртача 30 миллион, кунига 1 миллион сўмдан даромад дегани. Хуллас, меҳнатимиз сабаб бировдан кам бўлмадик. Гоҳида дўпчин бошдан олиб ўйлайман, илгари кўз олдимдаги бор имкониятни кўрмай келган эканман. Қўни-қўшнилари бунинг сири ҳақида сўраса, кўпроқ газета-журнал ўқиб керак, дейман. Улар буни ҳазилга олади. Аслида, шундай десам, ишониймайди.

Шодиёр ака бу гапларга бизни ҳам ишонмайти деган хаёлга борди ва уйига бошлади. Хонадаги каттагина китоб жавонига териб қўйилган китобларни бирма-бир олиб кўрсатди. Ҳаммасини ўқиб чиққанини

айтди. Хонанинг четидида катта стол устида газеталар чоп этилган санасига қараб, тартиб билан тахланган. Журналлар ҳам бор.

— Ютугим ҳам шунда, — дейди у китоб ва газеталарга ишора қилиб. — Ҳозир кўпчилик ижтимоий тармоқларни кузатиш билан банд. Ундаги турфа хабарлар одамни асосий мақсаддан кўп чалгитади. Шунданми, газета ўқиганим яхши, дейман.

Ўтган йили “Янги Ўзбекистон” газетасидаги бир мақолада сув тежамкорлиги ҳақида ўқидим. Унда ёмғир сувидан унумли фойдаланаётган деҳқон тажрибаси ҳақида сўз борганди. Шундан сўнг мен ҳам тезда ишга киришдим. Ҳовли четида 200 тонналик ҳовуз тайёрладик. Томидан тушадиган ёмғир-қор сувларини қувур орқали шу ҳовузга тушадиган қилдик. Сув муаммоси ҳал бўлди. Илгари сўғориш анча мушкул эди. Энди томчилатиш орқали шу сувдан фойдаланамиз. Бу ҳам бир тежамкорлик. Ёзга қадар бемалол етади. Ҳисоблаб кўрсам, бу энг мақбул йўл экан. Масалан, бир челек сувни ариқдан қўйсангиз, нари борса, ярим метрга етади. Аммо томчилатиб қўйсангиз, камиди бир сотих жой сугорилади.

Деҳқончилик ўз-ўзидан бўлмайди. Уни мукамал ўрганиш, ўқиб, изланиш керак. Ўз вақтида суви, ўғтинни бермасангиз, натижага эришиш қийин. Яқинда балиқчиликни ҳам бошладим. Ҳовузга ҳозир катта балиқлар ташладик. Мақсад — балиқни кўпайтириш. Баҳорда туҳум кўяди. Чавоқларини олиб, бошқа жойга кўчираемиз. Ёмғир сувидида балиқ бўлмайди, дейишди. Лаққа балиққа намлик етарли бўлса, кўпайишни муаммо эмас. Муҳими — одам мақсад сари интилса

бўлгани. Ҳозир қишлоғимиз ёшлари деҳқончилик қилишга қизиқиб бидирмоқда. Келиб, ўрганиб кетмоқда. Айниқса, қулупна-йилчиликни ўрганмоқчи бўлганлар кўп. Шу ишни бошламоқчиларга эришмасдан ўргатаман. Ҳозиргача Китоб, Чирқоқи, Косон, Яккабоғ туманларидаги иштиёқмандларга ўзим бош бўлиб қулупнай экиб бердим. Натижа ёмон эмас. Гоҳида маслаҳатга чақириб қолишади. Кўриб, кўзим қувнайди. Бир оилага нафим текканидан мамнун бўламан.

Икки йил олисга қатнаб деҳқончилик қилган Шодиёр акага энди маҳалласи ҳудудидан ер ажратилди. Бу унинг учун катта имконият. Шу сабаб тезда ишга киришди. Ҳозирда томорқасидаги иссиқхонадан ташқари 30 сотих майдонга қулупнай, 8 сотихига сабзи эккан. Ўтган йили 300 миллион сўмга яқин даромад топган бўлса, жорий йил буни 500 миллион сўмдан оширишни мақсад қилган.

Яна бир гап. Бир пайтлар ишсиз юрганида тендошлари хорижга ишлаш таклифини берганди. Шунда Шодиёр ака “Хорижга фақат саёҳат учун чиқаман, ишлагани эмас”, дея жавоб берган экан. Ушунда иши ҳам, пули ҳам йўқ одамнинг бундай орзуси қулги ва мазахга сабаб бўлди. Аммо Шодиёр ака парво қилмади. Эзгу ниятини ўқиб-ўрганиш билан қувватлади. Мана, ҳалол меҳнати сабаб эзгу ниятлари амалга ошмоқда. Ўтган йили оиласи билан хорижда дам олиб келди.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мен қучлиман



Батъан тақдирнинг қутилмаган синовлари қаршисида ўзимизни ожиз ҳис қилиб қоламиз. Шундай дамларда ҳаётдан нолиб, дунёни адолатсизликда айблашга шошамиз. Гўё барча оғирлик фақат бизнинг елкамизга тушаётгандек. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, имкониятни чекланганига қарамай, қисматнинг ногоҳ тушган оғир юкидан синмайди. Шукрини шпор қилиб, иродасини тошдек мустаҳкамлаб, кўпчиликка ибрат бўлиб яшай олади.

ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН КЎРИЛАЁТГАН ДУНЁ

Эзгулик тўла қалби, сабри, тинимсиз интилиши ва меҳнати билан намуна бўлиб яшаётган бундай инсонларни ҳақиқий жасорат соҳиблари дегимиз келарди.

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Маллаишайх маҳалласида яшовчи 30 ёшли Шамшода Ҳамдамова ана шундай матонат эгаларидан. Оламни кўриш бахтидан эрта мосуво бўлган эса-да, қалб кўзи билан дунёни теран англайди. Бугун ижод мақсули, изланишлари орқали жуда кўп ютуқларини қўлга киритмоқда. Ҳаётда эришган муваффақиятларини санасак, бармоқлар етмайди.

— Мен ҳеч қачон ногиронман, ожизман деган фикрни онгимга синдирмаганман. Ота-онамнинг меҳрга тўла нигоҳини, акам ва синглимнинг самимий табассумини ўз кўзларим билан кўриб, воғая етдим, — дейди Шамшода Ҳамдамова. — Устозларимнинг нури чекрасига боқиб, таллим олдим. Тендошларим билан қўл ушлашиб, кўчаларни чангитиб, қувноқ болалигини ўтказдим. Кейинчалик кўзим хиралаша бошлади. Бу синов мени синдирмади, аксинча, янада тоблади. Ҳаётнинг ҳар бир неъматига шукр қилиш, бор имкониятдан унумли фойдаланишни ўргандим. Қалбимдаги нури атрофдагиларга ҳам улашишга ҳаракат қилиб яшай бошладим. Йиллар давомидида оша-оша кўз нуримин тиклаш илинжида бормаган шифо маскани, кўрсатмаган шифокори қолмади.

Афсуски, мактабни тугатиш арафасида кўриш қобилиятини бутунлай йўқотдим. Бу кўргилликни енгиб ўтиш, ҳаётга шунчаки мослашиш мен учун жуда оғир бўлди. Энг зўр шифокорлар муолажасини олсам-да, кўзимга нур қайтмади. Яқинларим қўлимдан ушлаб, пойтахтдаги тажрибали профессорлар қабулига олиб борганида кўнглимда умид уққунни милтиллаб, тузалиб кетишимга қаттиқ ишонардим. Кейин эса эшик ортида туриб эшитганим — уларнинг “Фойдаси йўқ, қизингизнинг кўзи энди бутунлай кўрмайди” деганлари кўксимга наштаддай санчиларди. Ахир мен ҳам орзулари осмон қадар баянд, қалбидида мусаффо ниятлар мўжасам қиз эдим. Ўзимга яраша беғубор орзуларим, катта мақсадларим ва улкан муҳаббатим бор эди.

Тендошларим қатори ҳаётнинг гўзаллигини бахша олиш, завқланишга ҳақли эдим. Аммо қисмат пар неъматни мендан эрта тортиб олди. Шундай бўлса-да, йинлаб-сиқтаб ўзимнинг ҳам, яқинларимнинг ҳам кўнглини вайрон этмасликка қарор қилдим. Бу дардини пешонамга битилган азалий ёзув деб қабул қилишга интилдим. Кўзи ожиз қиз бўлиб, бутун оғирлигимни ота-онам елкасига ташлаб қўйишни истамадим. Билм олишга қаттиқ киршидим, ижод олами, тафаккур гулшанига ақл-идроким ва бор иқтидорим билан сингиб киришга интила боладим.

“Илк устозларим ота-онам ва бобом”

Ҳа, бу оламда инсонга яшаш учун кучни ҳеч ким туҳфа қилмайди. Ҳар ким ўз толеига битилган ҳолатни ҳаёт ҳақиқати сифатида тўғри англай олиши керак. Бунинг учун эса ирода мустаҳкам бўлиши шарт. Тўрт мучаси соғ бўлмай туриб дардин унуттиш, ғам-ғусани енгиб, бутун оғирлигимни ота-онам елкасига ташлаб қўйишни истамадим. Билм олишга қаттиқ киршидим, ижод олами, тафаккур гулшанига ақл-идроким ва бор иқтидорим билан сингиб киришга интила боладим.

Ютуқлар сарҳисоби

“Ёш китобхон” кўрик-танлови Шамшоданинг ҳаётда алоҳида саҳифа очди. 2021 йилда беллашувнинг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, 30 миллион сўм мукофотни қўлга киритди. 2022 йилда ҳам иккинчи ўринга сазовор бўлиб, 50 миллион сўм билан тақдирланди. Буни қарангки, Шамшода 2025 йилда ҳам иккинчи ўринни эгаллади ва 75 миллион сўм эгаси бўлди. Ёш ижодкорларнинг Зомин семинаридаги иштироки эса унинг ижодида янги йўналиш шаклланишига туртки берди.

Шамшода 2024 йилда “Дуэл” адабий танловидида болалар шеърятини йўналиши бўйича голиб деб топилиб, 50 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. 2025 йил Шамшода учун халқаро майдонда ҳам муваффақиятли бўлди. У “International Online Concorso — 3rd Season” ҳамда Туркиянинг



Болалигидан ошно бўлган китобларга ва ижод оламига меҳри янада орди. Шеърятга қизиқиши болалигидек уйғонган эди. Бобосининг мўъжазгина кутубхонасидаги саноқсиз китоблар, оила даврасидаги баҳру-байтлар, шеърхонлик кечалари юрагига илк илҳом уругини сочганди.

9-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ “Тўлин ой” номли илк китобини нашр эттирди. Ўттиз ёшида ўндан зиёд шеърый ва насрий китоблар муаллифи бўлди. Айниқса, “Ёш китобхон” кўрик-танловининг республика босқичида кетма-кет иккинчи ўринни эгаллаб келаётгани унинг билим ва ижодга чанқоқлигининг яна бир ёрқин далилидир.

— Адабиётга қизиқишим болалигимда уйғонган. Бу йўлда биринчи устозларим ота-онам ва бобом бўлган, — дейди Шамшода. — Талабалик йилларимда университетнинг зиё масканида топилмаган айрим манбаларни бобомнинг шахсий кутубхонасида мутолаа қилганман. Касби ўқитувчи бўлган отам адабиётдан сабоқ беради. Сара асарларини ўқишимда кутубхоначи бўлиб ишлаган онамнинг таъсири ҳам беқиёс. Ёшим улғайгани сари жиддий мазмундаги адабиёт намуналари мени бутунлай ўзига ром этди. Бешиначи синфдан бошлаб шеър ёзишни машқ қилганман. Дастлаб Бухоро давлат университетининг филология факультетида, кейин эса шу университетнинг магистратура босқичида ўзбек тили ва адабиёти йўналишида тахсил олдим. Бу орада “Гапирувчи” дастури асосида компьютерда ишлаш кўникмаларини ўзлаштирдим. Бу имконият мен учун янги бир олам эшигини очди ва илму ижод йўлида мустақил изланишлар олиб боришимга яқин кўмакчи бўлди.

“Туркия юлдузлари” халқаро ижодий танловларида болалар адабиётига оид насрий асарлари билан иштирок этиб, ҳар иккисида ҳам биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, ўтган йили Россия илм-фан ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро “Интеллектуал билимдон” олимпиадасида жаҳон адабиёти фанидан биринчи ўринни эгаллади.

Бугун Шамшода Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатда фаолият юритиб, ўзи ташкил этган ёш ижодкорлар тўғраидаги иқтидорли ўқувчи-таълимчи шеърят сир-синоатлари билан таълимчиликни давомлатиб келимоқда. Иқтидорли қизнинг ижоди ва изланишларидаги ютуқларини бирма-бир сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати изчил ва самарали йўлга қўйилганига яна бир бор амин бўламиз.

“Шундай меҳнаткаш қизим борлигидан фахрланаман”

— “Ёш китобхон” танловига тайёргарлик жараёнида Шамшода атиги 4 соат ухлаб, йигирма соат мутолаа қиларди, — дейди онаси Назмия Разоқова. — Ўқилиши оғир китобларини ҳам матонат билан ўзлаштирарди. Батъан қизимнинг қаттиқ чарчаганини кўрганман. Лекин унинг сабри ва иродаси бунга йўл қўймади. Она сиёсатида шундай меҳнаткаш, қаноатли қизим билан фахрланаман.

Шамшоданинг “Кўнгли гулшани”, “Онам кўзларида болалар баҳор”, “Тошқўйлақли тошбақа”, “Кўёш парчаси”, “Тилсимли шахмат”, “Мусаффонинг тилаклар ракетаси” каби китоблари аллақачон ўқувчилар меҳрига сазовор бўлган.

“My Miracle” ва “Қасоскор сиқонча” асарлари эса АҚШда инглиз тилида нашр этилди. 2024 йилда чоп этилган “Фил бола ва пингвин қиз хангомалари” китоби махсус давлат гранти асосида нашр қилинди. Асарнинг махсус аудио варианты тайёрланди. Шунингдек, Брайл ёзувида ҳам чоп этилди. Айни пайтда Шамшода Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг таянч докторанти.

Замондошларимиз орасида Шамшода сингари матонатли хотин-қизлар талайгина. Улар ҳар бир ишдан ҳикмат топиб яшашига интилади. Гарчи ҳаёт синовлари сабаб имконияти чекланган бўлса-да, шукр қилиб, яшаш учун ўзига куч ва мақсад топа билади.

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

QR code and contact information for the newspaper